O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 24 ИЮЛ, сешанба № 30 (234) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Тадбиркорлик — фаровонлик асоси

ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ — ДАВЛАТ ҚУДРАТИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлисида жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови эканлиги яна бир бор уқтириб ўтилди. Дарҳақиқат, Президент Ислом Каримов ушбу йиғилишда сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, **тарихнинг қайси даврини олмайлик, ғайратшижоатли, ташаббускор ва тадбиркор инсонлар мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигини таъминлаганини кўрамиз.**

Президентимиз томонидан жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш ғояси изчил равишда кун тартибига қўйиб келинмоқда. Бу фикримизнинг исботи сифатида 1989 йилдаёқ Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқ оиларига томорқа сифатида чорак гектардан ер ажратиб берилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин афсуски, тадбиркорликни давр талаблари даражасида юксалтиришга қаратилган вазифалар тўлиқ бажарилди, деб бўлмайди. Президентимиз мазкур нутқида буни яна бир марта эслатиб, қуйидаги фикрларни билдирди: **"Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноати соҳасида, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги ишларнинг ривожи суст. Экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларидан унумли фойдаланилмади".**

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш нима эканини кенгроқ тушунтириш мақсадида бир мисол келтирамиз.

Маълумки, Ўзбекистон халқи 1998 йилнинг 23-24 октябр кунлари имом Бухорий ва Аҳмад Фарғоний таваллуд саналарини ўтказилиши муносабати билан шундай кўтаринки руҳ ва байрамона ҳушнуд кайфиятда яшади. Балки шу боисдан бўлса керак, жамоатчилигимиз йўл устида юз берган бир воқеага унчалик жиддий эътибор бермагандай туюлади, матбуотчилар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, айниқса, шаҳровчилар бу нарсага етарли диққат қилмади. Ваҳоланки, бу воқеа бугунги кунимиз учун, келажагимиз учун катта аҳамиятлидир.

Президент Ислом Каримов 24 октябрда Аҳмад Фарғоний таваллуд тантанасида иштирок этиш учун Фарғонага ташриф буюрди. Юртбошимиз ташриф аввалида Фарғона механика заводи қошидаги "ЎзДЭУавто" автомобиллари учун диск ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишди. Мазкур корхона Швейцария, Германия, Голландиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ҳар йили тўрт турдаги бир миллионга яқин диск тайёрлашга ихтисослашган. Давлатимиз раҳбари корхонадаги технологик жараён, тайёр маҳсулот турларни кўздан кечириб, ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш, зарур жиҳозлар ва бутловчи қисмларни шу ернинг ўзида тайёрлашни йўлга қўйиш хусусида кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари "ЎзДЭУавто" автомобиллари учун бутловчи қисмларнинг 70 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқаришга эришишимиз лозимлигини, умуман, ҳар бир янги бунёд этилаётган корхона ана шундай мўлжал билан иш юритса, экспорт импортдан ортади ва мамлакат иқтисодиётининг ўсиши учун замин яратишини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиш учун аввало иқтисодий замин зарур. Маълумки, ўша пайтда "ЎзДЭУавто" автомобиллари учун бутловчи қисмларнинг фақат 15 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқариларди. Президентимиз бу рақамни яқин келгусида 70 фоизга етказишни мўлжалладди ва шундай натижага эришишга йўл-йўриқ кўрсатди. Ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш учун корхонада ўз асбобсозлик цехи бўлиши зарур. Бусиз ташқи шерикларга қаттиқ боғланиб қолинади. Узоқни кўзлаб иш юритувчи Юртбошимиз ана шу ҳолни олдиндан назарда тутиб, мустақил Ўзбекистоннинг саноати мустақил ривожланиш йўлидан боришини кўзламоқда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида бу масалага яна қайтиб, 2001 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунларини таҳлил қилар экан, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни равнақ топтиришнинг аҳволи ва бу соҳадаги муаммолар ҳақида тўхталиб ўтди, йиғилиш қатнашчилари эътиборини дунёдаги энг ривожланган, жаҳон иқтисодиётида етакчи мавқега эга бўлган айрим мамлакатлар, шу жумладан, Германия, Япония, АҚШ, Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг тажрибасига қаратди. Бу мамлакатларда кўп масалаларни ҳал этишга, биринчи галда, аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишини таъминлашга, аввало, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантирадиган давлат сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади.

(Давоми 2-бетда)

Энг улуғ, энг азиз байрамимизга 38 кун қолди

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати ва фаровонлиги фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги билан белгиланади. Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлини танлаган юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳақ-ҳуқуқини яхши билган инсонларгина кучли, адолатли давлат қура олади.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент Давлат юридик институтида ўтган амалий семинар ҳам ана шу масалага бағишланди. Унда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, институт ўқитувчилари, Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказа ходимлари, идораларо мувофиқлаштирувчи услубият кенгаши аъзолари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент Давлат юридик институти ректори Х.Бобоев очар экан, сўнгги ўн йил ичида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг қонуний замини яратилганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатиимзда изчил амалга оширилаётган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" ижросини таъминлашга доир қабул қилинган Фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни бажариш бевосита Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Вазирликнинг ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи Ш.Файзиев "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" қабул қилинганидан буён вазирлик томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилганини қайд этди.Эндиги вазифа аҳолининг кенг қатламлари орасида ҳуқуқий билимни юксалтириш, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига янада жиддий эътибор бериш, бу борадаги ишларни, аввало, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда олиб бориш, мазкур тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида юқори малакали ҳуқуқшуносларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва олий ўқув юртларининг ўқитувчиларини, катта тажрибага эга амалиётчи ходимларни тарғибот ва ташвиқот ишларига кенгроқ жалб этиш лозим.

ЎзА

Андижон: Истиқлол йилларидаги бунёдкорлик

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

Тошкентда **"Тафаккуримизни ўзгартирган ўн йил"** мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Истиқлолнинг ўн йиллигига бағишланган мазкур тадбирни Республика **"Маънавият ва маърифат"** Кенгаши ташкил этди

* * *

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санациялаш бўйича ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда санацияга тортилган 211 та қишлоқ хўжалик корхонасининг 2001 йил биринчи яримидаги хўжалик фаолияти якунлари муҳокама этилди

* * *

Ўзбекистон Республикаси Банклар уюшмасида "SyTeCo" Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси иштирокида Япония "RISO KASAKU CORPORATION" компаниясининг "Ризография" технологияси тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан академик П. Ҳабибуллаев таҳрири остида **"Ўзбекистон Президентининг давлат стипендиантлари"** китоби нашр этилди.

* * *

Айни кунларда Буюк Британиянинг Саутгенингтон шаҳридаги **"Авто Терминал"** тест марказида Ўзбекистоннинг "Дамас", "Нексия" ва "Тико" автомобиллари Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқлигини аниқлаш учун синовдан ўтказилмоқда.

* * *

Қарши шаҳридаги "Санам" очиқ ҳиссадорлик жамияти Россиянинг Москва ва Иваново шаҳарларида ўз маҳсулотларининг доимий кўргазмаси "Савдо уйи"ни ташкил этди. "Санам" тикувчилари Москва шаҳридаги "Автолайн" компаниясидан катта ҳажмда буюртма олди.

* * *

Бокс бўйича жаҳон кубоги соҳиби жиззахлик Лазизбек Зокиров Таиланддан ҳам катта зафар билан қайтди. Лазизбек Осиёнинг йигирмата давлатидан қатнашган боксчилар орасида биринчи бўлди. У Таиланд қироли кубогини қўлга киритди.

Бир ҳақиқатни такроран эслатиб ўтмоқчиман. Бу ҳақиқат шундан иборатки, давлатнинг мустақиллиги — бу нафақат сиёсий, балки, энг аввало, иқтисодий тушунчадир. Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади.

Ислом КАРИМОВ

«ИНСОН ВА ҚОНУН»га...

ЖАВОБ БЕРАДИ

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан газетангизнинг 2001 йил 29 май сонида эълон қилинган **"10 гектар ер можораси"** сарлавҳали мақола юзасидан Каттақўрғон туманидаги О.Маҳмудов номидаги ширкат хўжалигида текшириш ўтказилди.

Мақолада кўрсатилган ҳолатлар текшириш жараёнида ўз тасдиғини топди.

Текшириш жараёнида аниқланган қўпол қонунбузулиш ҳолатлари юзасидан 2001 йилнинг 30 июнь куни О.Маҳмудов номли ширкат хўжалиги мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205 моддаси 2-қисми "а" банди ва 167-моддаси 3-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

И.ОЧИЛОВ,
вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Мен ноҳақ ишдан бўшатилганим ҳақида юқори идораларга шикоятариза билан мурожаат қилган эдим. Менга бевосита қилинган амалий ва маънавий ёрдамлари учун мутасадди идоралар ходимларига ҳамда газета таҳририятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Мен айбсиз бўла туриб, айбдор номини олган эдим. Эътиборсизлик, лоқайдлик сабаб ўзимнинг севимли касбимдан ажралиб қолгандим. Юқорида тилга олиб ўтган идоралардаги ҳалол ва поқ инсонларнинг аралашувлари билан топталган ҳақ-ҳуқуқларим тикланди. Адолат қарор топди. Боболаримиз айтган "ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди", деган ҳикматнинг нақадар ҳақ эканлигига яна бир бор имон келтирдим.

Яқинда Ички ишлар Вазирлигининг буйруғи билан яна ўз ишимга қайта тикландим. Бу яхшиликни ойламиз билан бутун умр унутмаймиз.

Самимий ҳурмат билан

Шавкат МАШАРИПОВ,
Хоразм вилояти,
Урганч тумани, Сотим Қаландаров номидаги ширкат хўжалиги

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МАҲАЛЛАГА АДВОКАТ КЕРАК

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маҳалла ҳаётига ҳукумат миқёсида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада беқиёс ишлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Маҳалла оқсақоллари ва маҳалла фаолларига жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Албатта, булар ҳаммаси жуда яхши. Фарзандларимиз келажаги, уларнинг шарқона одоб-ахлоқ доирасида тарбиялашимиз, турли қора ниятли гуруҳларнинг қутқуларидан асраб қолишимизда маҳалланинг ўрни беқиёс. Буни ҳеч ким инкор этмайди.

Мен ҳамма биладиган гапларни такрорламоқчи эмасман. Сизларга бу мактубни йўллашимдан мақсад, бир таклиф айтмоқчи эдим. Демак,маҳаллаларга шунчалик имкониятлар берилаётган экан, яна ушбу тизимни такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, халқнинг кўнглидаги таклифларга ҳам қулоқ тутиш керак. Менинг шундай таклифим бор. Маҳалла қўмиталари қошида адвокатлар хонаси ҳам ташкил қилинса,ҳар бир маҳалланинг ўз адвокати бўлса, яхши бўларди. Чунки бугун биз ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Бу бир кунда амалга ошадиган иш эмас. Агар ҳар бир маҳалланинг ўз адвокати бўлса, маҳалла аҳли улардан қонуний маслаҳатлар олиб турсалар, фойдадан холи бўлмас эди, деб ўйлайман.

Дилафруз МУҲАММАДЖОНОВА,
Хоразм вилояти, Янгибозор тумани

Адлия тизими

ФАРҒОНА

Вилоят адлия бошқармасининг ишонч телефони орқали 2001 йил 4 июн олинган мурожаат бўйича текширув ишлари олиб борилганда, Фарғона тумани ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 21, 34-моддаларига хилоф равишда тадбиркорлик субъектлари маблағларини уларнинг розилигисиз турли хил тадбирларни ўтказиш учун сарфлаш тадбиркорларни қарор асосида ҳомий тайинлаш каби қўпол қонунбузарликка йўл қўйилаётгани маълум бўлди.

Жумладан, тумон ҳокимининг 2001 йил 9 январь кунги 9 "а"-сонли қарор билан туманда футболни ривожлантириш ҳамда тижорат ташкилоти бўлган "Водил" футбол клубини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ҳомийлар тайинланиб, улар томонидан "Водил" футбол клуби ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим бўлган маблағлар миқдори алоҳида иловада тасдиқланган. Бу билан хўжалик юритувчи суъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилган, тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқлари бузилган. Ноқонуний қарор билан хўжалик юритувчи субъектлардан жами 7 миллион 990 минг сўм маблағ мажбурий тартибда "Водил" футбол клуби ҳисоб рақамига ўтказилиши белгилаб қўйилган ҳамда унинг ижросини таъминлаш масъул мансабдор шахслар томонидан расмий равишда талаб қилинган.

Мазкур ҳолат бўйича вилоят адлия бошқармаси томониан тумани ҳокими номига Вазирлар Маҳкамасининг 57-сонли қарорининг 7-бандига асосланиб **"Ноқонуний қарорни бекор қилиш тўғрисида"** тақдимнома киритилган. Бироқ тумани ҳокими асоссиз важларни келтириб ушбу тақдимномани бажаришдан бўйин товлаган ҳамда тақдимнома ижросини таъминламаслик тўғрисида вилоят адлия бошқармасига жавоб хати йўллаган. Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси тақдимномаси талабларини бажармагани учун туман ҳокими Т. Эгамбердиевни МЖТКсининг 198-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилди.

Конституция ва биз

МУЛК — ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ НЕГИЗИ

ТЎҚҚИЗИНЧИ САБОК

Маълумки, азалдан мулкий муносабатлар жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий негизи ҳисобланиб келинган. Республикамизда янги типдаги жамиятнинг иқтисодий пойдеворини шакллантириш жараёни бевосита кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш орқали амалга оширилмоқда. Яъни, мулкчиликнинг барча шакллари тенг бўлиб, уларни ривожлантиришга баб-баробар имконият яратилган. Хўш, бу жараён ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада кафолатланган? Навбатдаги сабоғимиз ана шу мавзуга бағишланади. Бу тўғрида Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармасининг бош маслаҳатчиси Анвар ШУКУРУЛЛАЕВ мулоҳаза юритади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг зарур шарти бўлган кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари шакллантирилди. Конституциямизнинг 53-моддасида Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши белгилаб қўйилган. Ў ж араён Фуқаролик кодексида, "Мулкчилик тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида янада чуқурлаштирилмоқда. Шундай қилиб, республикамизда мулкчилик шакллари — давлат мулки, хусусий мулк, оила мулки, маҳалла мулки, ширкат мулки, ижара, жамоа корхоналари, жамоа ташкилотлари, диний ташкилотлар ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлган бошқа уюшмаларнинг мулкларидан иборат.

Мулкий муносабатларни тартибга солувчи конституциявий нормалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидаги тамойилларни ўзида қамраб олган:

— мулк шаклларининг тенглиги;

— мулк ҳуқуқининг мулкдордан ажралмаслиги;

— мулкдорнинг мулк ҳуқуқидан маҳрум қилишлик фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши;

— олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати олдиндан тўланиши;

— мулкнинг қийматини белгилаш адолат тамойили асосида амалга оширилиши.

Мамлакатимизда мулкий муносабатларни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш юзасидан кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" ги қонунининг қабул қилинишини (1991 йил 19 ноябр) алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали икки муҳим вазифани ҳал этиш мақсад қилиб олинган эди. Биринчидан — мулкни ўз эгасига топшириш, яъни мулқдан самарали фойдаланишни ташкил этиш. Шу аснода давлат ва умумхалқ мулки деб эътироф этилган, аслида эса эгаси йўқ мулкнинг қаровсиз қолиши ва унинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмаслиги каби боқимандаликка чек қўйила бошланди. Иккинчидан, кўп укладли бозор иқтисодиётини ҳамда ҳақиқий рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг зарурий шарти бўлган, давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш йўли билан давлат монополиясида бўлган мулкчиликка барҳам берилди. Мамлакатимизда мулкчиликнинг ҳамма шакллари баб-баравар ҳимоя қилиниши қонун билан кафолатланади ва уларнинг ривожланишига тенг шароит яратиб берилган. Мулкнинг дахлсизлиги шуни англатадики, мулкдорнинг мулкий ҳуқуқлари қонун билан кафолатланади. Мулкдор бу ҳуқуқлардан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳрум этилиши мумкин. Мулк ҳуқуқи тушунчаси замирида шахснинг ўзига қарашли молмулкка ўз ҳоҳиши билан ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи ётади. Демак, Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир шахс қонуний асосларда вужудга келтирган мулкдан ўз ҳоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида Адлия вазирлигининг Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси ва алия бошқармаларида тегишли бўлимлар ташкил этилиб, улар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнатни қўллаш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдорлар фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

53-модда.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари самарали олиб борилмоқда. Бироқ биз бу билан кифояланиб қолмасдан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларида таъсирчанликни янада оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Зеро, шундагина ҳар бир ҳуқуқий маданияти юксак бўлган фуқарода ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш иммунитети ҳосил бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифани амалга ошира олади.

Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш йўлидан изчил бораётган мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Яъни, иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичидаги энг муҳим ва долзарб вазифа — мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти мулкнинг ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

"АРЗИМАЙДИ САВДОСИ, КУЙДИРАДИ ҒАВҒОСИ"

Оқдарё тумани раҳбарлари ўқимасин!

Хозирги кунда пахта, галла ва асосий экинларни жойлашганлиги муносабати билан фермер хўжалиги очиш тўғрисида қарор тўхталиб турибди.

Фуқаро Собирова Ҳамронинг аризаси бўйича фермер хўжалиги очиш тўғрисидаги ариза ижобий ҳал қилинмоқда. Ушбу бўйича сизга қўшимча маълумот беришади".

Фермер хўжалиги тузиб ишлаш ниятида юрганлар кўп. Бундай тадбиркорлик йўлини тутаётганлар мавжуд қонунларга эҳтиёж сезиб ўрганмоқдалар. Бироқ айрим мансабдор шахсларнинг қонунларга беписанд муносабати, лоқайдлиги, янгиликка йўл бермаслик учун турли баҳоналар қидириши фуқароларнинг юқори идораларга нажот сўраб хат йўллашларига сабаб бўлаётир.

Оқдарё туманининг Абдулла Қодирий номидаги ширкат хўжалигидаги Уклан қишлоғида яшовчи Ҳамро Собирова ва Алишер Ҳамидовлар фермер хўжалиги тузиб, ишлаш мақсадида хўжалик бошқарувига ариза беришган. 2000 йилнинг 15 январида "Феруз" фермер хўжалигига 10 гектар, 20 январда эса "Алишер" фермер хўжалигига 12 гектар ер ажратиш тўғрисида хўжалик умумий йиғилиши қарори чиқарилган. Ушбу қарорлар тасдиғи туман ҳокимиятидан сўралган.

Қани эди шу билан иш силлиқ кўчса. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, туман ҳокимлиги ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг раиси Э. Раҳматов ва комиссия котиби А.Бўтаевлар хўжалик умумий қарорини кўтариб борган фермерларга бурилиб ҳам қарамайди. Ҳ.Собирова ва А.Ҳамидовлар кўп йиллардан буён бригадаларга бошчилик қилишиб, деҳқончиликда яхшигина тажрибага эга. Бу ҳокимиятдагиларни заррача қизиқтирмайди. Фермер бўлиш учун йил бошида бошлаган ҳаракатлари натижасиз қолаверади. Туман ҳокими номига ёзган аризаларига жавоб олишолмайди. Ҳатто хужжатларини кўриб, кам-кўстини тузатиб келишни маслаҳат берадиган ҳам топилмайди. Ночор қолган А.Ҳамидов ва Ҳ.Собировлар 2000 йилнинг 24 ноябрида туман ҳокимлиги янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига тўсқинлик қилаётгани ҳақида адлия бошқармасига мурожаат қиладилар.

Бошқарма мутахассислари фермер хўжаликлари ҳужжатларини ўрганиб, камчиликларини тузатадилар. Шундан кейин хўжалик умумий йиғилиши қарори чиққанига ўн бир ой деганда — 12 декабрда адлия бошқармаси аралашувидан сўнг улар ҳужжатларни ҳокимлик комиссиясига топширишга муваффақ бўлишади. Лекин фермерларнинг қувончи узоқ чўзилмайди.

— Туман ҳокимлиги ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси котиби А. Бўтаевнинг таклифига кўра 18 декабрь куни Алишер Ҳамидовнинг онаси Роҳила Баҳриева билан кеч соат олтида ҳоким Рашидовнинг қабулига бордик, — дейди Ҳ. Собирова. — Соат ўнга қадар ўтирдик. Ҳоким қабул қилмади.

— Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Э. Раҳматов ҳам нима қилиб ўтирибсизлар, дея сўрамади, — дейди Р. Баҳриева. — Шундан сўнг вилоят ҳокимлигига шикоят ёзишга мажбур бўлдик.

Вилоят ҳокимлиги Р. Баҳриева ва Ҳ. А. Собировларнинг аризасини ўрганиш, қонун доирасида амалий ёрдам кўрсатишни сўраб адлия бошқармасига йўллайди. Адлия бошқармаси 2001 йилнинг 4 январида тегишли хат билан туман ҳокимлигига 15 кунлик муддат ичида натижа кутиб хат юборади. Бу хат сувга отилган тошдек изсиз кетади. Шундан кейин ўн кунлик муддатда хабар бериш сўралиб, 28 февралда туман ҳокими Р. Рашидов номига бошқармадан яна хат жўнатилади. Таассуфки, туман ҳокимиятидагиларнинг жавоб хати беришга бўйинлари ёр бермайди. Шу йилнинг 26 мартида ҳоким Р. Рашидов номига ёзилган вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган ҳужжатнинг ижросини таъминлаш зарурлиги тўғрисида эслатма ҳам яна йўлга тушади.

Вилоят адлия бошқармасининг 28 февралидаги 116/3 сонли хати Оқдарё туман ҳокимлигида 2001 йилнинг 5 март куни 128 рақам билан рўйхатга олиниб, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Сатторовга тақдим этилган. Ушбу хатнинг бажарилиши бўйича жавоб хати ҳокимлик котибиятига берилмаган.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармасининг 26 мартдаги эслатма хати ҳам 2001 йил 2 апрелида туман ҳокимлигида 225 рақам билан рўйхатга олиниб, ижро учун ҳокимнинг биринчи ўринбосари Б. Сатторовга тақдим этилган. Бугунги кунда, яъни 2001 йилнинг 17 апрелида мазкур эслатма бўйича Б. Сатторовнинг жавоб хати ҳокимлик котибиятига берилмаган.

Демак, хатларни жавобсиз қолдираётган, фермерларга тўсиқ ҳокимнинг биринчи ўринбосари экан-да. Адлия бошқармаси ходимлари масала билан жиддий шуғуллана бошлагач, Бахтиёр Сатторов бироз қимирлаб қолди. Бунга унинг антиқа жавоб хати билан танишсангиз, ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

"Фуқаро Собирова Ҳамронинг фермер хўжалиги очиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган аризасига биноан қуйдагилар бажарилди.

тўғрисида қарор тўхталиб турибди.

Фуқаро Собирова Ҳамронинг аризаси бўйича фермер хўжалиги очиш тўғрисидаги ариза ижобий ҳал қилинмоқда. Ушбу бўйича сизга қўшимча маълумот беришади".

Ана туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг савияси. Агар юқори ташкилотларга расмият учун жавоб хати йўллаш бўйича кроссворд мусобақаси ташкил этилса, Бахтиёр Сатторов биринчи ўринни эгалласа керагов! Чунки ишонтиришга ўриниши бундан ортиқ бўлмайди-да. Б.Сатторовга туман ҳокимининг биринчи ўринбосаридек мартаба, туман ҳокимлиги ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси раислигидек катта ваколат берилган. Комиссия ўн беш кун муддатда мурожаат қилган фермерларга ер участкаси ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ёки рад этиш ҳақида хулоса бериши керак. Бироқ Б. Сатторов ўзидан аввалги биринчи ўринбосар Э. Раҳматовнинг хатосини ишни қабул қилиб олган чоғдаёқ тузатиш ўрнига уни пайсалга солиб, чўзиб юборган. Бундан ташқари, у Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 илдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган **"Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш"** Тартибининг тегишли бандлари талабларини ҳам қўпол равишда бузган.

Хўш, нега бундай бўлди? Бу — Б.Сатторовнинг илмсизлигими? Йўқ, ишонгинг келмайди. Коса тагида ним коса борми?! Бунисига фақат Бахтиёр Сатторовга аён.

Афтидан, туман ҳокими Рустам Рашидов ҳам қонун олдида ҳамма тенг эканини унутган кўринади, чунки туманнинг биринчи раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ва 103-моддалари талабларига риоя қилмаган. **"Фуқаролар мурожаати тўғрисида"**ги Қонуннинг 7-моддасига зид иш тутган. Умуман, қарорлар, қонунлар ижроси таъминланишини назорат остига олмаган. "Арзимайди савдоси, куйдиради ғавғоси", деб шунга айтсалар керак.

Хуллас, "Алишер" ва "Феруз" фермер хўжаликлари давлат рўйхатига олинди. Аччиқ ичакдек чўзилган ёзишмалардан, сарсончиликдан фақат одамларнинг қимматли вақти ўғирланди, асаблари таранглашди.

Сафар ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" махсус мухбири

Қонун ва ижро

СЎЗДА ҚЎЛЛАШАДИ, АМАЛДА ЭСА...

Яқинда вилоятдаги солиқ идораларидан бирининг раҳбари билан суҳбатлашдим. Одатда аксарият солиқчилар ўз мижозларидан нолишарди. Бу гал ундай бўлмади. Суҳбатдошим солиқ тўловчиларнинг интизомидан мамнунлигини яширмади. Унинг айтишича, интизом режа кўрсаткичларининг уддаланиш гарови. Бироқ тўлов қўламлари бундан ҳам ортиши мумкин экан. Аён бўлдики, вилоятдаги кўпгина тадбиркорлик ўчоқлари қоғоздагина фаолият кўрсатаяпти. Неча ойдан буён ишламаётган, ишласа-да, ёлчитмаётган солиқ манбалари кам эмас. Уларнинг узлуксиз фаолияти солиқ ҳажмини ҳозиргидан бир неча баравар кўпайтириш имконини беради.

Суҳбатдошимиздан солиқ тўловчиларнинг фаолияти сустлиги сабабларини сўрамадик. Важ, сабаблар бусиз маълум. Улар — амалдаги қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларига зид ишларнинг ҳосиласидир. Тадбиркор, омилкор кишиларга йўл бермоқ, фаолиятга кенг йўл бермоқ билан баробардир. Фаолият миқёсларининг кенгайиши эса моддий бойлик миқёслари, иш билан таъминлаш қўламлари, солиқ тушумлари ортишининг гарови. Афсуски, вилоятда ана шу имконларнинг кўпчилиги ҳамон пинакда.

Тўғри-да, башарти солиқ тўловчи бош қашишга вақт тополмай ишласа, бунинг шарофатидан умумғазнамиз тўлиб-тошади, давлатимизнинг бюджет заҳираси ортади, бозорлар ноз-неъматларга тўлади, ишсизлик ва унинг натижасида рўй берувчи айрим кўнгилсизликлар ва номақбулчиликлар ҳам табиийки, барҳам топади.

Вилоят адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўлими, ўтган ярим йилдан мўлроқ вақт мобайнида тадбиркорликка тўғаноқ бўлаётган ҳолларга кўп марта дуч келди. Нимаям дердик, айрим "ёшулли"ларнинг "қозончининг эрки бор..." қабилидаги иш тутиши охир-оқибат бозор муносабатлари такомилига путур етказаяпти. Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари асосида журналистик кузатувларимиз мобайнида бунга аниқ ишонч ҳосил қилдик.

Хива туманидаги шу ном билан аталувчи хўжалик раиси "Раҳим-Нурмат" фермер хўжалиги раҳбари Хушнуд Нурматовга майсалари унган экинзорни бузиб, ўрнига "мен айтган экин уруғини сочасан", дея зуғум қилган. Бундай зўравонликка ушбу йилнинг баҳорида Хонқа туманининг "Халқобод" ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Онажон-ая" фермер хўжалиги ҳам рўпара келган. Фермер хўжалиги томонидан экишга тахт қилиб қўйилган далаларга хўжалик раҳбарининг буйруғига кўра униши ва ҳосил бериши амримаҳол бўлган бошқа экиннинг уруғи сочилган. Оқибатда фермер ҳе йўқ, бе йўқ 2 млн. 766 минг 590 сўм моддий зарар кўрган. Ҳосил ана шу тариқа бой берилган. "Етимни урма-сўкма, тўнини йирт", деган нақлга Шовот туманидаги К.Отаниёзов номли ва К.Раҳимов номли ширкат хўжаликларининг "ёшулли"лари ҳам қойилмақом амал қилишган. Оқибатда тумандаги "Зиё" тадбиркорлик корхонаси томонидан ўринлатилган жами 246 минг сўмлик хизмат ҳақи йиллар мобайнида тўланмай келган. Бу ҳол тадбиркорлик масканининг фаолиятини деярли чиппакка чиқарган. Ўтириб қолган корхонани энди ким оёққа турғизаркин?

Урганчдаги янги қурилган марказий бозорда шу йилнинг баҳорида савдо-сотиқ эмас, балки савдони йўлга қўйиш бобидаги даҳанаки жанг авжига чиқди. Кимлар ҳоким, яна кимлар эса прокурорга арз қилиб борди. Биргина вилоят адлия бошқармасига эса 30 га яқин киши шикоят билан мурожаат қилди. Қизиғи шуки, барчанинг шикояти бир хил: тадбиркорларга қарашли кўпдан-кўп дўконлар ҳоким қарорига биноан кунпая-кун этилган. Янги лойиҳа бўйича ажратиб берилган ўринлар эса харидорлар қадамжоларидан ҳийла йироқ. Бундан кўпгина дўкондорлар йирик иқтисодий зиён кўришган. Таассуфки, зиён шунинг ўзидангина иборат эмас. Дўкон расталардан жудо этилган тадбиркорларнинг аксарияти гарчи вақтинча (икки ойдан ярим йилгача) эса-да, савдо-сотиқ фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлишган. Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо бозор савдо аҳлининг бой берилган вақт мобайнида кўрилган миллионларча сўмлик зиённи энди ким қоплайди, деган савол ҳамон жавобсиз қолмоқда. Бу масалада аксарият урганчликлар қатори биз — қалам аҳлларини ҳам бир мавҳум ҳолат ташвишга солади. Демоқчимизки, шу пайтга қадар Хоразмда Урганчдагидек кўркам, қулай ва салобатли бозор қурилмаган. Лекин минг таассуфки, кейинги 8-10 йил ичида мазкур бозор бир эмас, бир неча бор бузиб-қурилди. Одамлар қатори бизни ҳам қийнаётгани шу — янги қурилган дўкон ва расталарнинг умри 2-3 йилдан нари ўтмаётгани сабаби нима билан изоҳланади? "Бузу-қур" учун қанчадан-қанча маблағларни такрор-такрор шамолга совуришнинг боиси-чи?

Бу каби саволлар шаҳар ва вилоятнинг тегишли "ёшулли"ларига оғир ботмас, деган умиддамиз. Дарвоқе, бундай жумбоқнинг сирини ўша билағон "ёшулли"лардан бўлак ҳеч ким аниқ билмайди. Биз эса бошқа бир ачинарли ҳолатдан ҳам кўз юмолмадик. Бузиш-қуришлардан савдо аҳли кўраётган зиён камлик қилганидай, кўпгина якка тадбиркорларнинг овора-ю сарсон бўлиши, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилиши каби ҳунук ҳолларга ҳам йўл қўйилган. Шикоят ва аризаларда таъкидланишича, янги бозорда қуриб ишга туширилган "боғлиқ" савдо ўринларининг анчагинаси бозор маъмурияти, солиқ ва шу ерда жамоат тартибини "сақлаётган" шахсларга яқин бўлган "тижоратчилар"га иньом қилиб юборилган. Масалага ойдинлик киритиш ниятида бозор бош ҳисобчиси Жуманазар Жуманиёзовнинг жавонида сақланаётган ҳужжатлар билан танишишга жазм этдик. Афсус, бунинг иложи бўлмади. Бош ҳисобчи жанобларнинг тегишли ҳужжатларга ҳатто кўз қиримизни ташлашга ҳам изн бермадилар. Халқимиз "Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич" дейди. Бош ҳисобчининг хонасида бўлган воқеа эса бозор маъмуриятининг "оши" ҳалол эмаслигидан бир нишона. Башарти ҳалол бўлганида Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунларда ифодаланган ҳуқуқларимизни улар ҳам мўътабар санашган, ҳақ жойига қарор топишига эса баҳоли қудрат кўмаклашган бўлишарди. Хуллас, бош ҳисобчининг "сирли жовони" сирлигича қолди. Бизнингча, уни тегишли қонун назорати маҳкамаларидан бўлак ҳеч ким очолмайди.

Хивалик Ёқутжон Искандарова ҳам тўрачилик кўргулигини роса татиганлардан биридир. Тадбиркор аёлнинг қўйнини аввалига туман "Пахтабанк"даги тўралар пуч ёнғоққа тўлдиришади. Унинг атиги уч кун ичида кўриб чиқилиши лозим бўлган аризасини қараб чиқиш учун нақд уч ой вақт сарфлашди. Ёқутойнинг овора-ю саргардончиликлари пировардида "Жанубгазқурилиш" трестига қарашли моддий-техника бутлаш бошқармасининг "ёшулли"лари ишхона ва қабулхоналарида узлуксиз давом этди. Бошқарма "ёшулли"лари унинг "Юсуф" хусусий фирмаси олдидаги 553 минг 494 сўмлик дебиторлик қарзини тўлашга асло шошилишмади. Оқибатда тадбиркорлик фирмасининг фаолияти деярли боши берк кўчага кириб қолади. Фикримизча, бу масала ҳам тегишли қонун ва назорат маҳкамаларининг аралашувисиз ечим топмайдиганга ўхшайди.

Шу кунларда боғотлик тадбиркор — "Маркс" фермер хўжалиги раҳбари Ф.Жумаевнинг ҳам фиғони фалакда. Фермернинг она сутидай ҳалол 1 миллион 770 минг сўм пули Урганч "Сут-ёғ" корхонасидан ҳамон унмай турибди. Корхона маъмурияти фермернинг қонуний талаби бажарилишни ойлар ўтса ҳамки, ҳамон пайсалга солиб келаётган эди. Фақат яқинда суд бу масалага нуқта қўйди: фермер ҳақ, сут-ёғ заводидагилар эса ноҳақ. Қарз, жарима ҳамда кўрилган моддий ва маънавий зарар миқдори билан қўшиб тўланмоғи даркор. Бундан чиқди қарз эндиликда қопланади. Аммо бой берилган имкониятларни ҳеч ким қоплолмайди. Ойлар мобайнида унмай қолган 1 миллион 770 минг сўм табиийки, фермер хўжалигини оёқдан чалган, борини шамолга совурган. Ҳозир хўжалик ҳам жар ёқасида. Аҳвол тадбиркор фермер фаолият юргизаётган "Тошкент" ширкат хўжалиги раҳбарларининг мададисиз ўнгланмайди. Масаланинг ечими ҳамкорликда.

Адлия бошқармасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими қараб чиқаётган ариза ва шикоятларга сиртдан разм солинса, фермерлик фаолиятини ташкил этишдаги бошбошдоқлик ва сансоларликлар бирмунча кўплиги ва ҳамон газак олиб ётганлиги яққол кўринади. Бундай мазмундаги шикоятлар чиндан ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу эса фуқаролар арзи, арзномаларида жон борлигидан, вилоятда фермерлик ҳаракати равнақи учун мақбул йўл ҳануз топилмаганидан далолат беради. Вилоят адлия бошқармасига Шовот туманидаги К.Раҳимов номли ширкат хўжалигидан Омонбой Ўрозов, К.Отаниёзов номли ширкат хўжалигидан Жуманазар Ахмедов, Хива туманидаги Беруний номли ширкат хўжалигидан Абдулла Отаев, шу тумандаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан Ҳудойберган Ёвбосаров, Боғот туманидаги И. Ўдусов номли ширкат хўжалигидан Йўлдош Очилов, "Тошкент" ширкат хўжалигидан Фарҳод Жумаев, Хазорасп туманидаги "обод" ширкат хўжалигидан Исмоил Ҳайитов, Урганч туманидаги "Дўрмон" ширкат хўжалигидан Фарҳод Қурбонов, "Халқобод" ширкат хўжалигидан Лазиз Юсуповлар номидан йўлланган ариза ва шикоятларнинг мазмуни деярли бир хил. Бари янги фермер хўжаликлари ташкил этиш ва фаолиятини жонлантириш йўлидаги турли хил тўсиқлар ҳақида. Бу ҳол номлари қайд этилган хўжаликлар ва туманлар раҳбарларини жиддий хулоса ва тадбирларга ундамаётганидан ачиниб кетасан, киши.

Тасвир этилган ва қаламга олинганлардан келинг, биз ҳам хулоса ясайлик. Тадбиркорлик, омилкорлик йўлидаги мавжуд тўсиқ ва нуқсонлар ҳеч кимга рўшнолик келтирмайди. Аксинча, тадбиркорлик аталмиш саховат дарахтининг илдизларига болта уради: моддий бойлик ва янги иш ўринлари яратиш, умумхазинасини бойитиш имконларини чиппакка чиқаради. Юртимиз йўлбошчиси, ҳукуматимиз ишбилармонликни равнақ ва соғлом рақобатнинг асосий омили деб билаётгани, унинг мамлакат бўйлаб чуқур илдиз отиши йўлида ҳамма чора-тадбирларни ишга солаётгани бежиз эмас. Давлатимиз йўлбошчиси ва раҳбариятнинг мазкур саъй-ҳаракатлари моҳиятини чуқур англаганлар, ўзларини эмас, ўзгаларнинг манфаатини, юртимиз истиқболи ва иқболини азиз ва лазиз билганлар омилкорлик йўлларига зинҳор тўсиқ солмайдилар. Буни ўзларининг ножоиз ва нохолис хатти-ҳаракатлари билан у ёки бу тадбиркорнинг қонуний манфаатларини оёқости қилаётган "ёшулли"лар ҳам назарда тутишса, айни муддао бўлурди. Зеро, замона тадбиркорники. Шундай экан, замонага ҳамнафас бўлганлар тадбиркорга ҳамиша "қўлни ташланг, оғайни" дейишади. Аксинча қаращдагилар эса... яхшиси, уларнинг кимлигини одамларнинг ўзлари айтишсин.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

«КЕЙС» ТУШЛАРИМГА КИРИБ ЧИҚАДИ...»

Кексайиб қолган бўлишимга қарамасдан, эл-юртга нафим тегсин деб, фермерликни ихтиёр этдим. 1994 йил 1 гектар ер олиб она қишлоғим номи билан аталган "Найман" фермер хўжалигини туздик. Аввалига раҳбарлар бизда одам кўп, ер оз, фермерлик чўл ва кенг жойларга тўғри келади, деб ер бермади.

Очиғини айтганда ўша пайтдаги хўжалик раҳбарлари фермерлик ҳаракатининг моҳиятини тушунмас эди. Даврнинг шитоб билан ўзгариб бораётгани, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратилиши уларнинг кўзини очди. Фермер хўжаликлар — чинакам янги мустақил давлатимиз, Президентимиз сиёсатининг мевалари эканини кўпчилик англаб етди.

Боз устига Президент Фармонларида фермернинг 30 бош қорамоли бўлса, 9 гектар ер берилсин, деб аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган эди. Буни эшитиб кўпгина собиқ жамоа хўжалиги (колхоз) фаоллари ҳам фермер бўлгиси келиб қолди. Лекин уларда мол йўқ эди. Қариндош-уруғдан тўплаб фермер хўжалиги ташкил қиламиз, дейишди, бироқ унда кооператив бўлиб қолади, деб раҳбарият кўнмади.

Отам раҳматли чорвадор ўтган эмасми, 14-16 бош қорамол боқа бошладим. Кейинчалик молларнинг сони 30 бошга етди. Лекин менга атиги 4 гектар ер беришди. Елибюгуришларим зое кетди. Ҳа десам, бизда одам кўп, ер оз, сенга бериб қўйсак, қолган одамлар нима қилади? — деган баҳонани рўкач қилишди. Шунда қорамоллар сонини қисқартиришга тўғри келди. Тўрт гектар ерга яраша мол олиб қолдим, қолганини сотдим. Лекин шунга қарамай, ишларим анча юришиб кетди. Режа-шартнома бўйича ҳар гектар ер ҳисобига йилига 700 килограммдан гўшт топширишим керак эди.

Мен 4 гектар ер ҳисобига 2800 кг гўшт етиштириб, яримини давлатга, яримини аҳолига эркин нархда сотдим. Бу соҳадаги режа-топшириқлар бажарилди. Ана шундай натижалар билан "Фермер-97" кўрик-танловига қатнашдим. Туманда биринчи, вилоятда эса иккинчи ўринни олдим. Республика "Бизнес фонди" нинг ўша вақтдаги раиси Алижон Юсупов деган жаноб, иккинчи ўринга олти миллион сўм имтиёзли кредит берамиз, дея катта ваъда берганди. Кейин ҳаммани олдида бу кредитга нима оласиз, деб сўраб қолди.

— "Кейс" оламан, ўзимга ўхшаган фермерларнинг буғдой ўримидаги қийинчиликларини енгиллаштираман, — дедим.

— Гап йўқ, ҳужжатларни тайёрлайверинг, ёрдам берамиз, — дейишди кўракка уриб "Бизнес фонд"чилар.

Улар "Кейс"дан унумли фойдаланиш ҳақидаги бизнес режамни ҳам қарсаклар билан кутиб олишди. Чунки у ўта асосли эди. Лекин шундан кейин сарсону-саргардонлик бошланди. Вилоят "Бизнес фонди"-ю тадбиркорлар палатаси мутахассислари билан биргаликда тайёрланган ҳужжатларни қўлтиқлаб Тошкентга келдим. Бахтимга кредитни ваъда қилган "Бизнес фонд" раиси Алижон Юсуповнинг ўзи идоранинг олдида турган экан. У мен билан қуруққина кўришиб, бу иш билан кредит бўлим бошлиғи Шорустам Исроилов шуғулланишини ва бундан кейин ўша кишига мурожаат қилишим лозимлигини айтди.

Бўлим бошлиғининг ижирғаниб айтган жавоби ҳозир ресурс пул йўқ, деган гап бўлди. У менинг қачон бўлади пул, деган саволимга, буни аниқ айтолмайман, хабар олиб туринг, деган жавоб билан кифояланди.

Учинчи чоракда яна шу кишига рўбарў бўлдим.

— Қанча ерингиз бор? — дея сўради у. Кейин ўн гектар ерим борлигини эшитиб, "Э-э, ака ўн гектар ердаги буғдойни ўришга шунча оворагарчиликми?! Худо деб, бир ташкилот билан шартнома тузиб, икки соатда ўша сиз орзу қилган "Кейс" билан буғдойни ўрдириб олиб, мазза қилиб юравермайсизми", дея фалсафа сотди.

Яна ортимга қайтдим. Тўртинчи чоракда Тошкентга келсам, "Бизнес фонд"нинг кредит бўлими бошлиғи алмашган экан. Янги бошлиқнинг айтишича, бу орада ҳужжатларим ҳам эскирибди, кредит олиш тартиби ҳам ўзгарибди.

1997 йил ҳужжатларни янгилашга улгурмадим. Чунки янги кўрсатмалар вилоятга етиб келмаган эди. 1998 йилдаги сарсон-гарчиликларни ёзишга менда тоқат ҳам, истак ҳам йўқ.

Ниҳоят, вилоят "Бизнес фонд" бошлиғи Азизулло Обидқориев мардлик кўрсатди. Икки миллионгача бўлган кредитни вилоятда ҳам ҳал қила оламиз, деб имтиёзли кредит ҳисобига икки миллион сўм кредит берди.

1999 йил якунига бағишланган йиғилишда Президентимиз кўпгина масалалар қатори инвест лойиҳа бўйича янги техника сотиб олишга эътибор берилмаётганини ҳам танқид қилди. Шу муносабат билан вилоятда ўтказилган йиғилишга республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг инвестиция лойиҳалари бошқармаси бошлиғи келди. Унга учрашиб, икки йилдан буён "Кейс" комбайни ололмаётганимни айтиб, дарду ҳасратимни тўкиб солдим. У менга тегишли ҳужжатларни олиб, ўзига учрашим кераклигини айтди.

Шундан сўнг яна папкамни кўтариб, унинг ҳузурига чопдим. У ҳужжатларни кўриб бўлгач, бир қоғозни билан банклар ассоциясига жўнатди. У ерда фермер хўжалигимнинг балансларини экспертизадан "аъло" баҳога ўтди. Уни кўрган бошқармадагилар комбайн сотмоқчи бўлган ташкилот билан шартнома тузиб келинг, дарҳол кредит ажратамиз, — дейишди.

Лекин мен комбайн сотадиган ташкилот тополмадим. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, уйга қайтдим. Буғдой пишиғи даври келиб қолган эди. Комбайн топишнинг иложи бўлмагач, қўл билан ўришни бошлаб юбордик. Иккинчи куни осмонда булут пайдо бўлди. Пешин вақти ўроқчиларга пешинлик чой-нон олиб бордим. Ўша маҳал гумбурлаб осмонда чақин чақди. Атроф гўё олов билан қоплангандай бўлди. Бироздан кейин ўтгач атрофга назар солсам, ўроқчи қизлардан бир нечтаси ҳар тарафга тарикдай сочилиб кетибди. Улар орасида қизим ҳам бор эди. Уни яшин урган экан. Унинг ҳалигача бир қўл, бир оёғи яхши ишламайди.

Хуллас, шу тариқа "Кейс" олиш орзуси армонга айланди. Шундан буён уни тушларимда кўраман.

Энди буёғини сўрасангиз, фермер хўжалигимда ишлар яччалик ёмон эмас. 101 бош қўй, 22 бош йирик шохли молим бор. Шу йилнинг ўтган даврида давлатга 1300 килограмм, аҳолига 1400 килограмм гўшт сотдим. 7 гектар ердан 50 тонна буғдой етиштирдим. 2 гектар ерда эса пахта етиштиряпмиз. Хуллас, ишларимиз ёмон эмас.

Йиқилган қурашга тўймайди, деганларидек яқинда "Кейс" олиш умидида "Агролизинг" ташкилотининг вилоятдаги филиалига бордим. Бу ердагилар фақат Тошкентда чиқарилган техникаларга лизинг бера оламиз, холос, деб айтишди.

Менинг орзуим эса ҳамон "Кейс" олиш. "Кейс" тушларимга кириб чиқади.

Неъматжон АБДУКАРИМОВ,
Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги "Найман" фермер хўжалигининг раҳбари

ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ – ДАВЛАТ ҚУДРАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Ислом Каримов хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида жонкуярлик қилишининг асл сабаби шундаки, кичик ва ўрта бизнес одамларни иш билан таъминлашнинг муҳим омили ҳамда аҳоли даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳозир мамлакатимизда меҳнатга қобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Уларнинг сони йилига тахминан 200-230 минг кишига кўпаймоқда. Демак, мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятга эга экани кичик ва ўрта бизнесга, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб беришини тақозо этмоқда. Ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш — мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан бири бўлиб турган айни замонда жамиятда тадбиркорлик руҳини бутун чоралар билан тезроқ қарор топтириш давлат аҳамиятига молик вазифалардандир.

Мамлакатимиз аҳолисининг деярли 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Бугунги кунда айнан қишлоқ жойларида одамларни иш билан банд қилиш, даромад манбалари билан таъминлаш кескин муаммо бўлиб турибди. **"Бунинг учун эса, — деди ўз нутқида Президентимиз, — қишлоқ жойларда, биринчи галда, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш жойлари ташкил этиш керак".**

Эътиборли жойи шундаки, бу ишни амалга ошириш учун мамлакатимизда етарли шарт-шароит ва омиллар мавжуд. Фақат ташаббус кўрсатиб ишга киришмоқ керак. Масалан, биргина қишлоқ хўжалик хомашёси ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини олиб кўрайлик. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича етиштирилаётган меванинг атиги 15 фоизи, сабзавотнинг 10 фоизи, полиз маҳсулотларининг 5 фоизи, узумнинг 23 фоизи, терининг 26 фоизи, жуннинг 15 фоизи, гўштнинг 25 фоизи, сутнинг 5 фоизи қайта ишланмоқда, холос. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ҳисобланган тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун фойдаланилмаётган қанча имкониятлар мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. Президентимиз ана шу имкониятларимиздан тўла фойдалана олсак, мазкур соҳа аҳолини иш билан таъминлашда, энг муҳими, одамларнинг даромадини оширишда янги манба бўлиб хизмат қилишини алоҳида уқтириб ўтди. Бинобарин, аҳоли даромадининг ошиб бориши юрт фаровонлиги, давлат қудратининг иқтисодий таянчларидан бири ҳисобланади. Шу боис ўрта қатлам, мулкдорлар қатламини шакллантиришда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда бутун жамиятимиз масъул ва бурчлидир. Зеро, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишидан ҳаммамиз манфаат кўрамиз.

А. ИБРОҲИМОВ

Адлия тизими

Андижон

Вилоят адлия бошқармаси вилоят ветеринария хизмати ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ноқонуний текширишлар ўтказилганлигини аниқлади.

* * *

Жалолқудуқ туман ветеринария бўлими ходимлари томонидан 2000 йилда 7 та рухсатсиз текшириш ўтказилиб, 9 нафар шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 109-иоддаси билан маъмурий жарималар қўлланилган.

Жумладан, "Пахтакор" ширкат хўжалиги фермасида (29. 03. 2000), "Абдукарим ота" фермер хўжалигида (24. 01. 2000), "Ёрқишлоқ" ширкат хўжалиги фермасида (3. 07. 2000), "Йўлдош ота" хусусий фирмасида (9. 03. 2000), "Амир Темур" ширкат хўжалиги қорамолчилик фермасида (2. 03. 2000), "Темур" хусусий фермасида (3. 07. 2000) рухсатсиз текширишлар ўтказилган.

* * *

Хўжабод туман ветеринария бўлими участка мудири М. Мавлонов якка тадбиркор бўлган қассоб А. Расуловга ветеринария қоидаларини бузганлиги учун 1500 сўм миқдорида маъмурий жарима солган, лекин жарима пулларини ветеринария бўлимига кирим қилмаганлиги аниқланди. Тўпланган ҳужжатлар Т. Мавлоновнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

ТАДБИРКОР БЎЛИШ ФАХР

1996 йил Москва шаҳрида Германиянинг "Интеграл Пиэха" фирмаси ваколатхонаси ходимлари билан мулоқот чоғида немис технологияси асосида ўзимизда пиво ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак қандай бўлар экан, деган фикр туғилди. Ўша пайтлар афсонавий Бавария пиволари мамлакатимизга фақат Россиядан келтирилар ва қиммат баҳода сотиларди. Лекин янги ғоя ўз йўлига, уни амалга ошириш учун катта маблағ, ишончли ҳамкорлар керак эди. Айни шу масала доимо тадбиркор олдида кўндаланг туришини энди-энди тушуниб етаяпман. Дейлик, сиз ўз ғоянгиз бўйича "Бизнес-режа" туздингиз, лекин уни амалга ошириш учун кредит олишингиз лозим бўлади. Табиийки, ҳар қандай банк кредит учун кафолат сўрайди. Ким сизнинг тижоратингиз учун ўз мулки билан кафилликка ўта олади? Ўша пайтда Осиё ривожланиш банкига бизга бериладиган 3 миллион 334 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит учун кафолат бўладиган корхонанинг ўзи Навоий вилоятида бармоқ билан санарлик эди. Уларнинг қайси бири юрак ютиб бунга рози бўларди?

Шундай қийин шароитда янги тижорат йўлига қадам қўйдик. Тадбиркорлик янги йўл эканлиги боис ишончли ҳамкорлар жуда зарур эди. Ниҳоят, узоқ вақт тараддудланиб вилоятимиздаги "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти бошқарувини ўз режамиздан хабардор этдик. Обдон ўйлаб кўриб, ишимизга ишонч ҳосил қилгач, корхона раҳбарлари кредит олишимизга кафилликка рози бўлди.

Ҳозир мамлакатимизда тадбиркорлар учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Дастлабки йилларда ишбилармонларга давлат назорат ташкилотларининг ҳудабехудага аралашавериши кўпчиликда норозилик кайфиятини уйғотганди. Бу муаммо ҳам ўз вақтида ҳал қилинди. Лекин онда-сонда айрим маҳаллий ҳокимликлар тадбиркорларнинг фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилаяпти, деган гап-сўзларни эшитиб қоламан. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: балки шундай бўлаётгандир, лекин нега тадбиркор ўз ҳақ-ҳуқуқини суд орқали талаб қилмайди ёки маҳаллий ҳокимият мамлакат қонунларидан ҳам кучлимикан? Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳали кўпчилик ўзининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини билмайди.

Энди буёғини сўрасангиз корхонамиз 1996 йилда мустақил иш бошлаган бўлса-да, орадан тўрт йил ўтгачгина кредит олиб, иш бошлашга муваффақ бўлдик. Шу йиллар давомида дуч келган муаммоларни бирма-бир санасам каттакон достон бўлади. Биз ҳамма қийинчиликларга мардонавор чидадик ва ўз йўлимиздан қайтмадик. Бунинг самараси ўлароқ бугун мамлакатимизда биринчи марта немис технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган "Браво" пиволари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Айтишадику, яхши ният қилган киши, албатта, ниятига етади.

Убайдулло ОМОНОВ,
"Навоийдонинвест"
жамоа ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари

Жиноятга жазо муқаррар

АЛДАЙМАН ДЕБ АДАШГАНЛАР

Албатта, ҳамма жойда болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ишлари амалда республикамизда кучда бўлган қонун-қоидалар асосида амалга ошириляпти. Ўзини-ўзи бошқариш маҳаллий органлари ёшга тўлмаган болаларга нафақаларни тайинлашда тақдим этилаётган ҳужжатларнинг қонуний бўлишига эътиборни кучайтиришяпти.

Шу билан бирга ўзини-ўзи бошқариш органларига фарзандларига нафақа олиш учун ота-оналар томонидан сохта маълумотлар тақдим этиш ҳолатларини учраётганига ҳайрон қоласан киши. Судлар томонидан бунга оид ишларнинг онда-сонда бўлса-да, кўрсатилаётгани фикримиз далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фарзандларига нафақа олиш учун фуқаролар йиғинларига сохта маълумотномалар тақдим этаётганлар орасида ўқимишли ва тушунган кишиларнинг борлиги ажабланарли ҳолдир. Камолиддин Болтабоев тумандаги -ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. У турмуш ўртоғи Дилором Болтабоева билан жиноий тил бириктириб, давлат маблағини қонунсиз равишда қўлга киритиш режасини тузади. Камолиддин 1999 йил август ойидаги иш ҳақи 11581 сўмни ташкил этган ҳолда Уйчи туман халқ таълими бўлимининг тамғаси ва муҳри босилган бўш бланкада иш ҳақини 3236 сўм қилиб яъни 8346 сўмга камайтириб кўрсатилган 68-сонли маълумотнома тайёрлайди. 1999 йил 29 сентябрда К. Болтабоев ўзини кам таъминланган оила бошлиғи қилиб кўрсатиб, моддий ёрдам сўраб "Баландариқ" маҳалла фуқаролар йиғинига ариза ёзади. У иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ва аризани турмуш ўртоғига беради. Дилором Болтабоева ана шу қалбаки маълумотнома ва ариза асосида тегишли ҳужжатларни тўплаб, маҳалла фуқаролар йиғинига топширади ва 1999 йил октябрь, ноябрь, декабрь ойлари учун 7875 сўм моддий ёрдам пулини турмуш ўртоғи К. Болтабаев ўрнига рўйхатга ўзи имзо чекиб олади.

Эр ва хотин жиноий ҳаракатларини давом эттириб энди оиланинг йиллик даромадини камайтириб кўрсатмоқчи бўлишади. 1998 йил августигача бўлган оиланинг йиллик даромади асли 90590 сўмни ташкил этсада, иш ҳақи тўғрисидаги тайёрланган маълумотномада бу рақам 28796 сўм қилиб, яъни 61800 сўмга камайтирилиб кўрсатилади. "Баладариқ" маҳалла фуқаролар йиғинига тақдим этилган сохта маълумотнома асосида 1999 йилнинг сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь ҳамда 2000 йилнинг январь ва февраль ойлари учун Болтабоевлар оиласига 18372 сўм нафақа пулини ноқонуний тарзда тўлайди.

Болтабоевлар бу билан чекланиб қолмайди. Эр-хотин жиноий ҳаракатларини яна давом эттиришади. К. Болтабоев 1999 йил ноябрь ойидан 2000 йил ноябрь ойигача бўлган ойлик иш ҳақи 150527 сўмни ташкил этсада, сохта маълумотномада бу рақам 78956 сўм деб қайд этилади. Яъни маълумотномадаги рақам 71541 сўмга камайтирилади. Ана шу қалбакилаштирилган ҳужжатга қараб, маҳалла фуқаролар йиғини унга 2000 йил декабрь лйидан 2001 йил май лйига қадар жами 25722 сўм нафақа пулини Қонунга хилоф равишда тўланишига йўл қўяди.

К. Болтабоев томонидан амалга оширилган бу хийла-найрангдан "Тавба!" дея ёқангизни ушлайсиз, албатта. Унга нисбатан ғазабингиз ҳам ортади. Шунда унга "олийгоҳда ғаразли мақсадни амалга ошириш учун ўқиганмидинг? Нега давлатни алдайсан? Бу ҳолатда сендан таълим олган ўқувчининг аҳволи не кечади? Дегингиз келади. Олий маълумотли мактаб ўқитувчиси К. Болтабоевнинг ғаразли ҳаракати ҳукуматимиз ғамхўрлигига кўрнамак?ликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Қолаверса, оила бекаси Дилором Болтабоеванинг қилмиши-чи? Наҳотки у маълумотномаларни сохта эканилигини тушунмаса?

Ёйрат қишлоқ фуқаролар йиғини Олмурут маҳалласида яшовчи 2 фарзанднинг онаси Муҳайё Турғунова ҳам юқоридаги фирибгарлардан қолишмайди. У ҳам 2000 йилнинг март ойида қаердандир Чортоқ тумани Навоий номли ширкат хўжалигининг эски бекор қилинган тамға ва муҳри босилган маълумотномани топиб олиб, унгу шу хўжаликка алоқадор бўлмаган ва ажрашиб кетган турмуш ўртоғи Қосимжон Турғуновнинг номини ёзади ва 12 ойга жами 12118 сўм иш ҳақи ошганлиги ҳақидаги қалбаки ёзувларни киритиб, ундаги имзоларни соҳталаштиради. Шу йўл билан иш ҳақи тўғрисидаги қалбаки маълумотномани Олмурут маҳалла фуқаролар йиғинига топширади. Бу ердагилар маълумотномани чуқур текширмай Муҳайёга 6 ойга 11900 сўм ноқонуний нафақа пули тўлашади.

Суд юқоридаги номлари қайд этилган шахсларнинг жиноий ишларини кўриб чиқди. Уларни фирибгарлик ва қалбаки ҳужжат тайёрлаб ундан фойдаланишда айбли деб топиб, тегишли жазо берди ва фирибгарлардан давлатга етказилган зарар тўлиқ ундириб олинди.

Ҳар биримиз ҳаёт ҳақиқатини унутмаслигимиз керак. Бировни алдайман деган киши албатта ўзини алдаган бўлади. Буни юқорида ҳикоя қилинган шахсларнинг қилмишидан яққол билиш мумкин.

**Ҳакимжон ЖЎРАЕВ

Жаҳолат ботқоғи

ИККИ ДУНЁ ЛАЪНАТИ

Қабиҳликнинг тури кўп. Лекин Ватанини сотган, динидан кечган кимсанинг икки дунёси куйиб кетади. Яъни у абадул-абад ланъатланишга маҳкум. Ана шундай жирканч қисматни танлаганлардан бири Наманган шаҳрида яшаган Маҳмуд Ваҳобов эди. У 1991-93 йилларда Наманган шаҳрида фаолият кўрсатган ғайриисломий "ваҳҳобий"лик диний ақидапарастлик оқимига қўшилади-ю, юриш-туриши ўзгаради. Охири ақидапарастлар таъсирига бутунлай берилиб кетади. Унинг раҳбарлари билан тил топишади. Улар томонидан юртимиз мустақиллигига қарши уюштирилган фитналарда, жумладан давлат биносини эгаллашда иштирок этади. У ашаддий ақидапараст Абдували Йўлдошевнинг синглисига уйланган эди. Абдували 2 нафар милиция ходимини ўлдириб, қочиб кетгандан кейин Маҳмуд қилмиши фош бўлишидан қўрқиб, 1997 йилда қўшни Қирғизистонга "қуён" бўлади.

Маҳмуд Бишкек шаҳрида ақидапарастлар ин қурган масжиддан бошпана топади. Кейинчалик ўзига ўхшаш бетайин кимсаларни атрофига тўплайди ва ўзига "Амир" унвонини таъсис этади. Сохта "амирлик" аъзолари шаҳардаги ўзбек миллатига мансуб кишилар ўртасида Ўзбекистонга қарши қўпорувчилик руҳидаги ғояларни тарғиб этиш билан шуғуллана бошлайди.

Бу гуруҳ ҳақидаги узунқулоқ гаплар Учқўрғон шаҳрида яшовчи Абдували Мирзабоевга ҳам етиб боради. Абдували ҳам ақидапарастлик ботқоғига ботган эди. Кўр кўрни қоронғида топади, деганларидек ҳаю-ҳуй, деб йўлга отланган Абдували Маҳмуднинг гуруҳига келиб қўшилади.

Ўзбекистоннинг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартириш, ҳокимиятни босиб олиш учун турли фитналар уюштириш, "жиҳод" ҳаракатларини олиб боришга тайёргарлик кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган гуруҳ аъзоларига босқинчилик ва қотиллик сирлари ўргатиларди.

Масжидга ин қуриб олган бу гуруҳ Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигига қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш баробарида шу ерлик ўзига тўқ фуқароларга суиқасд уюштириш, уларнинг мол-мулкини ўғирлаш, талаш билан шуғулланар эди. 1999 йилнинг феврал ойида Маҳмуд Ваҳобов ҳозирда қидирилаётган шериги Жаҳонгир Расулов билан ўзаро тил бириктириб, Абдували Мирзабоевни Бишкек шаҳар, Армиячилар кўчасидаги 122-уйга кириб, ўзини ғариб қилиб кўрсатиш, иложи бўлса, ўша хонадонда яшаб, уй эгасининг ўзини, уй шароитини, қаердан пул топаётганини ўрганиш, бу ҳақда маълумотлар бериб туришга кўндиришади. Улар кўзлаган манзилда табиблик қилувчи қирғиз фуқароси Рисқул Эргашев ўз шогирди Элмира билан истиқомат қилар эди. Ушбу хонадон бекорга танланмаган бўлиб, Маҳмуднинг тахминича унда бойлик бисёр эди.

Абдували кўча эшигини тақиллатди. У дилкаш ва самимий киши бўлганлиги боис, Абдувалининг ким ва нима учун уйига қадам ранжида қилганини суриштиради. Шунда Абдували ўзини Чимкент шаҳридан келган, иши юришмаётган, камбағал, ҳеч кими йўқ бечора кимса деб таништирди. Борадиган жойи йўқлигини, агар уйдан бошпана берса, эвазига астойдил хизмат қилажагини айтди. Рисқулбек қаршисидаги юпун кийинган, ёрдамга муҳтож кишига қараб раҳми келади. Унинг ўзига ҳам содиқ ёрдамчи керак эди. Истаган кишисининг ўз оёғи билан келганидан хурсанд бўлиб, яшаш учун жой берсам, ишончли ёрдамчим бўлиб қолар, дея Абдувалини ичкарига бошлайди. Дастурхон олдида бир-бирига содиқ бўлиб қолиш ҳақида ахд қилишади. Рисқулбек уни ҳатто уйлантириб қўйишга ваъда беради.

Шу тариқа Абдували Рисқулбекнинг уйидаги майда-чуйда ишларни бажарар, овқат тайёрлар, бозорга борар, дардмандларга муомала қилар, хуллас, Рисқулбек қандай топшириқ берса, барчасини бажо келтиради. Аста-секин Абдували табибнинг ишончини қозонади. Аҳвол шу даражага етадики, баъзи кунлари Рисқулбек ҳатто унга уйни ишониб топшириб кетадиган ҳам бўлди.

Абдували Рисқулбекнинг пинжига кириб олгач, аввал келишилганидек, Маҳмуд ва Жаҳонгирга "хизмат" қилишга киришди. Улар билан махсус ёзишмалар йўли билан алоқа боғлайди. Рисқулбек тўғрисидаги маълумотлар ёзилган қоғозни белгиланган жойга яшириб қўяр, ҳамтовоқлари эса уни кечаси олиб, ўрнига бошқа топшириқларни ёзиб қолдиришади.Кунлар ана шу зайлда ўтаверади. Бир куни Абдували сохта "амир"дан Рисқулбекнинг хонадонига босқинчилик уюштириб, унинг бойлигига эга бўлиш режалаштирилганини, ушбу тадбирга тайёргарлик кўриб қўйиш юзасидан топшириқ олади. Босқинчилик 1999 йилнинг 6 мартидан 7 мартга ўтар кечасига белгиланади.

6 март куни Рисқулбек алламаҳалда уйига қайтади. Табибнинг келганини эшитиб, Абдували кўча ва гараж эшикларини очади. Бу вақтда Жаҳонгир Расулов қўлида лом билан пана жойда табибни пойлаб турарди. Рисқулбек бамайлихотир машинасидан тушади. Шу пайт орқадан келган Жаҳонгир лом билан унинг бошига уради. Рисқулбек хушидан кетгач, Абдували ва Жаҳонгир уни ваҳшийларча уриб-тепиб, ўлдиришади. Навбат Элмирага келган эди. Икковлон қиз ухлаб ётган хонага киришади. Уни ётган жойида роса дўппослашди, кейин эса бошига салафан халта кийгизиб, бўғиб ўлдиришади. Икки мурдани Рисқулбекка қарашли автомашинанинг юкхонасига жойлагандан сўнг уйни тинтув қилишга киришадилар. Уйдан икки дона чарм куртка, 1600 АҚШ доллари ва 27000 қирғиз сомини олиб чиқишади. Автомашина юкхонасидаги жасадларни нон заводи олдидаги дарахтзор ичида жойлашган канализация қудуғига ташлаб юборишади. Шундан кейин улар амалга оширган ишлари тўғрисида Маҳмудга ахборот беришди. Ўз навбатида Маҳмуд Абдувалига табибнинг уйига бориб, ердаги қон доғларини ювишни, у ердан ҳеч қаерга жилмай, сўраганларга Рисқулбек Иссиққўлга иш билан кетган, дея жавоб қилиб туришни буюради. Бироқ Абдували табибникида яшашдан қўрқиб, "амир"нинг топшириғини бажармай, бошқа томонга ғойиб бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходиралар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида ушбу босқинчиликни уюштирган ва уни ижро этган шахслар қўлга олинди. Вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг бўлиб ўтган очиқ суд мажлиси Маҳмуд Ваҳобов ва Абдували Мирзабоевларга ўлим жазосини берди. Яъни қилмишлари учун адолатли жазо олишди. Лекин пешоналарига абадий тавқилаънат тамғаси урилди. Бундай манфур кимсаларнинг қилмиши икки дунёда ҳам кечирилмайди.

Ҳабибулло ТЎРАБОЕВ,
Наманган шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси,
Эркин ҚАМБАРОВ,
журналист

ҚАРИНДОШДАН ТУЗ ОЛСАНГ ҲАМ...

Таҳририятимизга Самарқанд вилоят, Нуробод тумани Мусоқ қишлоғида яшовчи Ҳошим Орзиқуловдан келган мактубни ўқиб, тўғриси, ажабландик. Унда шундай сатрлар бор эди: "Мен ёшлигимдан шеър, ҳикоя, мақолалар ёзишга қизиқаман. Ёзганларимни маҳаллий ҳамда марказий газета ва журналларга жўнатиб тураман. Лекин яқинда бир танишим менга нима қиласан бунақа овора бўлиб, Тошкентда сенга ўхшаганларнинг хатларини ҳатто очиб ҳам кўришмайди, деди. Бу гапларни эшитиб, биров устимдан бир челак совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Унинг гапларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолдим..."

Ҳошим Орзиқуловнинг ўша таниши нимага асосланиб ёки нима ниятда бундай дегани бизга қоронғу. Лекин бизнинг таҳририятимизга келаётган мактубларга муносабат бутунлай бўлакча. Кундалик иш жараёнимиз ҳам таҳририятимизга келган хат ва шикоятлар билан танишишдан бошланади. Таҳририятимиз ходимлари биринчи галда уларнинг саволларига мутахассислардан жавоб топишга ҳаракат қиладилар. Биз билан доимий ҳамкорлик қилиб келаётган муштарийларимиз буни яхши билишади.

Хуллас, биз бирор-бир мухлисимизнинг кўнглини ранжитмаганмиз ва ранжитмаймиз ҳам. Шунинг учун ҳам Ҳ. Орзиқуловнинг бизга жўнатган мақоласини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз. Умид қиламизки, келгусида Ҳ. Орзиқулов газетамизнинг йўналишидан келиб чиқиб, жойларда амалдаги қонунчилигимиз қай даражада ишлаётганлиги хусусида ўқишли чуқур танқидий-таҳлилий руҳдаги мақолалар йўллайди.

Инсон иззат, обрў-эътиборни ҳеч кимдан сўраб ололмайди. Балки, буларни ҳар бир кишига қилган яхши амаллари учун халқнинг ўзи беради. Орамизда шундай одамлар борки, улар ўзларининг хайрли ишлари билан одамлар меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб, кўнгилларнинг тўридан жой олишади. Туманимизда яшовчи Эсоной опа Эргашевани шундай инсонлар сирасига киритсак янглишмаймиз. Эсоной опа қарийиб 20 йилдирки, туман ФҲДЁ бўлимида нозир бўлиб ишлаб келмоқдалар. Ҳар куни опанинг ҳузуридан одам аримайди. Бу ерга кимдир ёрдам, кимдир маслаҳат сўраб келади. Эсоной опа улардан иложи борича ўзининг беминнат кўмагини аямайди.

— Туман поликлиникаси билан ҳамкорликда "Никоҳ ва саломатлик" марказини очганмиз, — дейди биз билан суҳбатда Эсоной опа. — Никоҳдан ўтаётган ёшларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилаётгани боис келин ёки кўёв носоғлом экан, деб ажралишлар бўлмаяпти. Кейинги ойларда бизга мурожаат қилган ёшлардан беш жуфтини никоҳдан ўтказмадик. Негаки, келин бўлғувчи қизларимизнинг тўлиқ вояга етмаганлиги шундай қилишимизга сабаб бўлди.

Шунингдек, айрим ёшлар орасида бир-бири билан қариндош бўлиб оила қурмоқчи бўлганларга бундай никоҳнинг ёмон оқибатларга олиб келиши тушунтирилмоқда. Маҳаллалар гузарларда "Қариндошдан туз олсанг ҳам қиз олма" мавзусида тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти

Ҳуқуқий маърифат

ВАСИЯТНОМА НИМА?

**** Васиятнома қандай ҳужжат?***
**** У қандай расмийлаштирилади?***

Васиятнома ёзиб қолдирилмаганда қандай муаммолар келиб чиқади?

Васиятнома — бу фуқаронинг вафотидан сўнг ўзининг айрим ҳуқуқларини, мол-мулкини истаган шахсга, корхона, ташкилот, муассасага, давлатга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиб қолдирганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатдир. Амалдаги қонунларга мувофиқ ҳар бир фуқаро васиятнома қолдиришга ҳақли. Демак, фуқаро ўз мол-мулкини фарзандлари, набиралари ва бошқа қариндошларига ёки қариндош бўлмаган ҳар қандай шахсга васият қилиб қолдириши мумкин. Фуқаронинг ўзига тегишли мулкни васият қилиб қолдиришига тўсқинлик қилиш, қонун билан таъқиқланади. Чунки Конституцияда ҳар бир кишининг мулкий ҳуқуқларини эркин равишда амалга ошириши белгилаб қўйилган. Васиятнома қолдириш ҳам — мулкий ҳуқуқни амалга оширишнинг шаклларидан бири.

Бу ҳақда Ислом фиқҳида ҳам муайян қарашлар шаклланган.

Васиятнома қолдириш илгариги замонларда ҳам бўлган. Кексайиб қолган кишилар маҳаллаларда қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари ёки бошқа яқин кишиларини чақириб, вафотидан кейин қайси мулкларни кимлар олиши зарурлигини айтиб, бу хоҳишларини атрофдагиларга маълум қилиб қўйиши халқимиз орасида азалдан учраб туради. Мустақиллик йилларида қонунларимиз халқ урф-одатларига мослаштирилган ҳолда қабул қилинаётганлигининг бир исботи шуки, васиятномаларни расмийлаштириш бўйича ҳам кундалик ҳаётимизга мос тушадиган қонунлар амалга киритилди. Уларга кўра, васиятномалар нотариал идора томонидан ёзма равишда расмийлаштирилиб, тасдиқланиши шарт.

Чунки нотариал идора томонидан тасдиқланмаган, маҳалла аҳли, қўшнилар иштирокида ёзиб қолдириб кетилган васиятномалар ноқонуний ҳисобланади. Бундай васиятномалар асосида мулкни кўрсатилган одамга ўтказишнинг иложи бўлмайди.

Кўпинча фуқаролар ана шундай васиятномаларни ёздириб, васият қилган киши вафот этганидан сўнг нотариал идорага шу васиятнома асосида уй, автомашина, банкда сақланиб турган пул маблағлари ёки бошқа мулкларни ўтказиб беришни сўраб, мурожаат қилади. Лекин васиятнома нотариус томонидан тасдиқланмаганлиги учун бу илтимосини рад қилишга тўғри келади.

Андижон шаҳрида яшаган "Ц" ўзига тегишли енгил автомашинасини қўшниси "М"га қолдиришини билдириб, уч нафар қўшни ва уй қўмитаси раиси қатнашган ҳолда "далолатнома" ёзиб қолдирган. "Далолатнома"га уй-жой бўлимининг муҳри ҳам босиб қўйилган. Васият олувчи "М" машина эгасининг ҳаётлик даврида ишонч қоғози билан унинг машинасини бішқариб, "Ц"нинг юмушларини бажариб юрган. "Ц" вафот этгандан сўнг унинг бошқа меросхўрлари бўлмаганлигидан барча дафн харажатларини кўтарган. Бироқ, барибир, "М" ушбу автомашинани ўз номига мерос сифатида расмийлаштириб ололмаган. Чунки унинг қўлида қонунда кўрсатилган тартибда тузилган васиятнома йўқ эди.

Баъзан қонуний расмийлаштирилган васиятномалар бўйича ҳам низолар келиб чиқади. Кўпинча васият қилувчининг ҳаётлик вақтида етарли ғамхўрлик қилмаган қариндошлари унинг вафотидан сўнг мулклари бошқа шахсга васият қилинганлигини билиб қолиб, норози бўла бошлайди-да, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига аризабозлик қилиб юради. Аввало, бундай қилиш маънавий жиҳатидан мархумнинг хотирасига нисбатан ҳурматсизлик. Чунки у ҳаётлик чоғида ўз хоҳишини билдириб расмий-қонуний ҳужжат қолдириб кетган.

Айрим ҳолларда кўп қаватли уйларда якка-ёлғиз яшовчи кекса киши вафот этиб, унинг мол-мулки эгасиз қолади. Кўпинча эгасиз қолган уй-жой ёки бошқа мулкни тасодифий одамлар эгаллаб олади. Амалдаги қонунларга мувофиқ, якка-ёлғиз фуқаролар вафот этган вақтда тегишли органларга хабар бериш, ундан қолган меросни рўйхатга олиш ва ҳаталаб қўйиш учун нотариус ҳам таклиф қилиниши шарт. Чунки меросни ҳисобга олиш ва меросхўрларга бу ҳақда гувоҳнома бериш, шунингдек, дафн харажатларини сарфлаган шахсга бу харажатларни қоплаш тўғрисида тегишли расмий ҳужжат ёзиб бериш ҳуқуқи фақат нотариусгагина берилган.

Барча фуқаролар, ўзини-ўзи бошқариш идоралари амалдаги қонунларни оғишмай бажарганларидагина мархумларнинг сўнгги хоҳиш-истакларига ва хотираларига ҳурмат билан қараган бўламиз.

Бунинг учун ҳамма васиятнома афзаллиги ҳақида, уни расмийлаштириш тўғрисидаги қонуний ҳуқуқлардан бохабар бўлиши керак.

Аваз бек ЮСУПОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

БОҒДОДЛИК ЎҒРИНИ ЙЎЛДА ҚОЛДИРГАН ТОЛЛИЛИК ЎҒРИ

Ўз даврида содир этган барча ўғриликлари билан бутун шаркда машҳур бўлган ўғри Боғдод шаҳрида яшаган. Шунинг учун ҳам уни номи Боғдод ўғриси бўлиб тарихда қолган.

Яқинда вилоятимизнинг Денов туманида боғдодлик ўғрини ҳам йўлда қолдира оладиган бир жиноят юз берганди.

Ишонмасангиз, ушбу хабарни ўқиб кўринг.

Шу йилнинг 17 июнга ўтар кечаси бир номаълум шахс томонидан Денов туманидаги "Ғалаба" жамоа хўжалигининг "Пахтакураш" маҳаллий ҳудудига "Сурхондарётелеком" шўъба корхонасига қарашли бўлган симёғочларга тортилган 5000 метр узунликдаги симлар кўз очиб юмгунча изсиз йўқолади. Ўз корхонасига етказилган жуда катта моддий зарардан ташвишга тушган ушбу шўъба корхона раҳбари Ўрол Жумаев зудлик билан Денов тумани ИИБ ходимларини хабардор этади. Ана шундан сўнг ички ишлар ходимлари томонидан тезкор ишлар бошлаб юборилди. Олиб борилган қидирув ўз самарасини кўрсатади. Ички ишлар ходимлари жиноятчи қолдирган "из" га тушишиб унинг аниқ манзилини аниқлашади.

Маълум бўлишича, Шўрчи туманидаги Толли қишлоғида яшовчи 28 ёшли бекорчи Б. А. ушбу хавфли ва оғир жиноятга қўл урган эди. Ундан далилий ашё олинган.

Ҳозирда боғдодлик ўғридан ҳам анча маҳоратли бўлган бу ўғри тергов саволларга жавоб изламоқда

С. АБДУВОҲИДОВ

ҲУҚУҚ ТАРҒИБОТЧИСИГА МУКОФОТ

Сирдарё вилоят хўжалик суди ҳомийлиги билан Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят бўлими эълон қилган "Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси" ижодий кўрик-танлови марафони салкам бир йил давом этиб, журналистлар ўз маҳоратларини чархлашида ибратли бўлди. Танлов якунида тажрибали журналист, "Адолат кўзгуси" газетасининг мухбири Саминжон Султонов ғолиб деб топилди ва 30 минг сўм пул билан мукофотланди. Шу газетанинг яна бир фаол мухбири Дилором Эсонова ва "Сирдаринская правда" газетаси бўлими мудири Владимир Аристов ҳуқуқий-тарбиявий мавзудаги мақолалари учун пул мукофотларига сазовор бўлишди.

ФҲДЁларда нима гап?

КЕЛАЖАК ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Жамиятни мураккаб лойиҳа асосида бунёд қилинган улкан иморатга қиёслаш мумкин. Ҳар қандай иморатнинг девори алоҳида ғиштлардан тикланганидек, жамият аталмиш муҳташам қаср ҳам оилалардан ташкил топади. Шу боис жамиятда барқарорлик ва фаровонлик, тараққиётга интилишни таъминлашда оила масаласига асосий урғу берилмоғи айни муддао саналади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда оилани муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлама етук, бой маънавиятли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. "Соғлом авлод", "Она ва бола" Давлат дастурлари қадам-бақадам турмушга жорий этиб борилаётир. Бош Қомусимизнинг 63-моддасида: **"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга"** деб ёзиб қўйилган.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланган. Бўлимимиз қошида "Оила дорилфунуни" фаолият кўрсатиб келмоқда. Машғулотларда ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари, туман хотин-қизлар кенгашининг фаоллари, тажрибали ҳакимлар, намунали оила бошлиқлари ва бекалари чиқишлар қилмоқда. Сабоқларга балоғат ёшига етган, никоҳ остонасида турган ёшлар, фарзанд кутаётган ҳамда вояга етмаган болалар тарбияси билан банд ота-оналар, келин тушган хонадонларнинг соҳиб ва масъулари жалб этилмоқда. Мавзуларнинг ранг-баранг, мазмундор бўлишига интилаяпмиз. Хусусан, муомала маданияти, эр-хотин ўзаро муносабатининг ҳаётий ва ҳуқуқий жиҳатлари, қайнона-келин муносабати, ҳомиладорлик даврининг ўзига хос талаблари, болалар тарбияси, фарзандлар саломатлигига эътибор, яқин қариндошлар ўзаро турмуш қуришининг салбий оқибатлари, Оила Кодексига шарҳлар сингари мавзуларга кенг ўрин берилмоқда. Юқори самарадорликка эришишни кўзлаб, маҳаллаларда, билим масканларида, ёшлар кўплаб ишлайдиган йирик меҳнат жамоаларида дорилфунуннинг кўчма машғулотларини уюштираяпмиз.

Ривожланган мамлакатларда оила қуришга аҳд қилган йигит-қиз, албатта, тиббий кўрикдан ўтади. Эндиликда бизда ҳам шундай тартиб жорий қилинган. Ўрнатилган бу тартибнинг ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам кони фойда эканлигини англаб етмаган айрим ёшлар шошма-шошарлик билан оила қурмоқдалар. Энг ачинарлиси, никоҳни расман қайд эттириш қочмайди, деган ўйда шаърий никоҳ билан кифояланишмоқда. (Албатта, бунинг замирида ота-оналарнинг, дин уламоларининг жиддий масъуличиятсизлиги, хатолари ётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди). Нохуш оқибатларга сабаб бўлган шундай ҳолатлардан бири устида батафсилроқ тўхталмоқчиман. 1980 йилда туғилган Б. (йигит) ва Х. турмуш қуришди. Никоҳни қонуний тартибда расмийлаштириш, тиббий кўрикдан ўтиш уларнинг хаёлига келмади. Шошқалоқлик билан, катталарнинг "Ҳа, энди ёшлар бир-бирига маъқул тушган бўлса, бўпти-да", дея қўл қовуштириб, томошабин бўлиб туриши остида қурилган оила пойдевори мўрт чиқди. Келин-куёв бир-бирига носоғлом эканликларини рўкач қилиб, олти ойдаёқ ажраб кетишди. Ҳомилали бўлиб, ота уйига қайтган қиз фарзанд кўрди. Тирик етимлар сони таъғин биттага кўпайди. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, дейдилар. Ушбу воқеадан кейин ҳам қизнинг ота-онасининг хатти-ҳаракатига изоҳ тополмайсан, киши. Ҳаёт сўқмоқларининг дастлабки довонларидаёқ қаттиқ қоқилган қизларини қўярда-қўймай, тўрт болали эркакка танғиб юборишди. Тақдирнинг илк зарбасидан руҳан ва жисмонан ларзага тушган, ҳали ўзини ўнглаб олишга улгурмаган, қўлида эмизикли чақалоғи бор ёшгина жувоннинг бахти, табиийки, бу гал ҳам очилмади. Тўрт ойдан сўнг ажрашиб, яна ота уйига қайтди. Эндигина ўн тўққиз баҳорни қаршилаётган Х. мустақил умрини хатолардан бошламаслиги, аянчли савдоларни бошдан ўтказмаслиги ҳам мумкин эди-ку?!.

Уйланишни, турмушга чиқишни "умр савдоси" деб қўйганлар. Ёшларнинг эҳтиросларини жўшқин бўлиб, улар тез севилишга мойил, ҳаётий тажриба борасида анча ғўр бўлишади. Бинобарин, "умр савдоси" бир умрлик бўлишида ота-оналар, бобо-момолар, қолаверса, кенг жамоатчилик кўпроқ масъулдирлар. "Келин қилишда ва куёв танлашда етти пуштини суриштириб, баркамол авлоддан эканлигини билгандан сўнг оила қуришга рухсат бердим, бу ишни давлат ишлари қаторига кўтардим", деганларида Амир Темур бобомиз минг карра ҳақ бўлганлар.

Назира ЧОРИЕВА,
Сурхондарё вилояти, Қизириқ туман ФҲДЁ бўлими мудираси

Адлия тизими

СИРДАРЁ

Шу йилнинг олти ойида вилоятда туғилиш гувоҳномаси берилиши ҳолати 6892 марта қайд этилди.

12 та ФҲДЁ бўлими, "Никоҳ саройи" ва вилоят ФҲДЁ архиви аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатмоқда.

Олти ойда 1377 та никоҳ қайд этилди.

Никоҳнинг бекор қилиниши 81 марта рўй берди. Бу ўтган йилнинг шу даврдагидан анча кам, демакдир.

Оилаларнинг мустаҳкамлиги, ажралиш каби ҳолатларнинг камайганлигига кейинги йилларда никоҳолди тиббий кўригининг қатъий йўлга қўйилганлиги асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ярим йилликда вилоятдаги давлат нотариал идоралари томонидан 19237 та нотариал ҳаракат амалга оширилган.

Жами 70.919.312 сўм давлат божи ундирилган.

Аҳолига 512.924 сўмлик нотариал хизмат кўрсатилган.

РАҲИМОВНИНГ ВАЪДАБОЗЛИГИ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Касбим — ҳуқуқшунос. Бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолганман. Гап шундаки, УПТК "Қаршиирчўлқурилиш" бирлашмасида ишлаб юрган кезларимда (1982 йилнинг 14 октябрида) Муборак туманидаги 30-давлат хўжалиги даласидан пахта териб қайтаётганимизда автобус ағдарилиб кетиши натижасида оғир тан жароҳати олганман. Косон марказий шифохонаси, Тошкент ва Москва шаҳарларидаги травматология, ортопедия клиникаларида уч марта жарроҳлик операцияси қилишди. 1984-88 йилларда даволаниш ва консультация учун Москвага бориб-келиб турганман. Лекин, афсуски, шикаст топган оёғим бутунлай соғайиб кетмади. 1983 йилдан 2-гуруҳ ногирониман. ВТЭК ва врачлар тавсиясига асосан мен махсус фиксатор, протез оёқ кийим, таянч қўлтиқтаёқ, мотоколяска ёки ногирон аравачаси, дори-дармон, сиҳатгоҳга йўлланма, даволаниш ва сиҳатгоҳларга бориб-келиш йўл харажатлари тўланишида, шунингдек, ўзгалар томонидан қараш ва боқишда имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли эдим.

Шуниси таажжубланарлики, ҳали даволанаётган вақтимдаёқ мени ноҳақ ишдан бўшатишган.

Ўзим ишлаган ўша ташкилотга бир йўла тўланадиган товон пули ҳамда ойма-ой бериладиган нафақа, ўртача ойлик маоши, меҳнатга лаёқатсизлик учун тўланадиган моддий ва маънавий зарарни тўлаш ҳақида мурожаат этганман. Иш берувчи нафақа тайинлаш вақтида ўртача ойлик ҳақидаги маълумотнома кеч тақдим этилгани учун, чўл шароитида қўшиб тўланадиган коэффициент тўлови тўлиқ кўрсатилмагани ҳамда 1982 йилнинг октябридан 1983 йилнинг ноябрига қадар менга ойлик маоши тўланмагани боис бу тўғридаги маълумотлар жамланиб, ўрта ойлик маоши белгилаш даврида ҳисобга олинмаган. Натижада бу нафақамнинг ҳозирги оладиган миқдорига таъсир этмоқда.

Олдинги ворис ташкилотлар бирма-бир тугатилиши натижасида охирги ворис тариқасида юзага келган "Ўзсувқурилиш" давлат концернига қарашли "Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бутлаш" ОАЖ раиси Р.Раҳимов, концерн раҳбарияти ва мен шахсан тақдим этган ҳужжатларни олган. Бироқ менга қонуний тўланиши керак бўлган моддий ва маънавий зарарни ҳанузгача тўламасдан келмоқда.

Р.Раҳимов вилоят ҳокимининг муовини ҳузурида ҳақимни тўлаш тўғрисида ваъда бериб, ишхонасига қайтгач, сўзининг устидан чиқиш ўрнига, мендан бот-бот ҳужжатлар талаб қилиб, яна овора-ю сарсон қилаяпти. Аслида эса у мендан барча керакли ҳужжатларни бир неча маротаба олган. Бу ҳужжатларни қасддан йўқотиб юборди. Вилоят касаба уюшмасининг тақдимномасини ва адлия бошқармаси бошлиғининг хатини инобатга олмади.

Сизлардан илтимосим шуки, меҳнат қобилиятимни йўқотганим учун тўланадиган товон пулимни, ойма-ой тўланадиган нафақани, ўртача ойлик маошдан келиб чиққан миқдор пулини, даволаниш сиҳатгоҳларига йўлланмалар ҳақини, йўл харажатларини, моддий-маънавий зарарларни "Қарши қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бутлаш" очиқ акционерлик жамияти раиси Р.Раҳимовдан ундиришга ёрдам беришларингизни сўрайман.

Кошиб МАДИЕВ,
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ўш кўчаси, 5-уй меҳнат фахрийси, 2-гуруҳ ногирони

ЎҒЛИМ ЎҒРИ ЭМАС...

Ҳурматли таҳририят!

Сизларга ушбу мактубни **Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги Чим жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи** она Хайринисо Нормуродова йўллаяпти.

Яқинда бошимизга мусибат тушди.1977 йилнинг 24 февралида туғилган ўғлим Ҳусниддин Нормуродов қамалиб қолди.Тўй тадорогини кўриб қўйган эдик.Ҳамма расм-русумлари ўтиб бўлиб, фақатгина тўй кунини белгилашимиз қолганди.Афсуски,насиб қилмаган экан.

Мени "барибир ўз боласи-да, ўғлини ҳимоя қилиб хат ёзаяпти",-деган ўйга бормасликларингизни ўтиниб сўрар эдим. Ўғлим ноҳақ қамалди! Ўғлимнинг ўғри эмаслигига ишончим комил. Ахир, мен онаман-ку. Ўғлимнинг кўнглидаги ҳар бир гапдан хабарим бор.Ҳали шу пайтгача бирор киши Ҳусниддиндан нолиб гапирмаган. Ўғирлик у ёқда турсин, кўчада ётган эгасиз нарсани ҳам уйга кўтариб келмаган. Биз фарзандларимизни ёшликларидан мана шундай тарбия қилган эдик.Бунга ҳамқишлоқларимиз ҳам гувоҳлик берадилар (Мактубга Чим қишлоқ Қўшкапа маҳалла фуқоролар йиғини раиси Ш.Мирзаевнинг Ҳ.Нормуродовга берган тавсифномаси ҳам илова қилинган).

Мен сизларга бўлиб ўтган барча воқеаларни бир бошдан ҳикоя қилиб, вақтингизни олмоқчи эмасман. Гапнинг қисқаси,ўғлим 2000 йилнинг 22 октябрдан 23 октябрга ўтар кечаси ўғирлик қилишга ҳаракат қилганликда айбланиб қамоққа олинган. Аввалига ўғлимни гуруҳ бўлиб, уюшган ҳолда ўғирликка кирганликда айбланди. Гўёки,шериклари қочиб кетиб, ўғлим қўлга тушиб қолганмиш. Аслида ўғлим ўша хонадонга синфдошининг таклифи билан, учрашиш учун борган экан. Уни алдаб, учрашишга таклиф қилишиб, бўйнига ўғри, деган тамғани илиб қўйдилар.

Мени ажаблантирган нарса, ўғлим судгача ҳибсхонада яқин саккиз ой ётди. Агар у ҳақиқатда ўғирликка кирган экан, нега тергов жараёни бу қадар чўзилди? Жамоа хўжалигимиз миллион-миллион одам яшайдиган улкан шаҳар эмаски, унинг икки нафар шериги йўқолиб қолган бўлса? Аслида бўлмаган "шерик"лар ҳам топилмади. Суд жараёнида асосий гувоҳларнинг сўзлари ҳам инобатга олинмади. Бизга номаълум бўлган сабабларга кўра, барча жараёнлар бир томонлама олиб борилди.

Ана шу бир томонламаликнинг оқибатида, шу йилнинг 6 июнида Яккабоғ тумани судида, туман судининг раиси Н.Зиядуллев раислигида ўтган судда ўғлим Ўзбекистон Республикаси Ж.Книнг 169-моддаси 3-қисми "б" ва "г" бандлари билан айбланиб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.Яна қайтариб айтаманки,ўғлимга нисбатан ноҳақликка йўл қўйилди.

Энг ачинарлиси шундаки,ўғлим "ўғирликка ҳаракат" қилганликда айбланиб қамалди. Аслида, у бундай ҳаракат қилмаган. Ахир юртбошимиз Ислом Каримов ҳар доим ўз сўзларида маҳаллий раҳбарларимизни адолатли бўлишга чақирадилар-ку.Яқингинада ҳам бекорданбекорга қамоқ жазосини қўллайвермаслик кераклигини таъкидладилар. Менинг ўғлимни бировга бир сўмлик зиёни теккани йўқ-ку. Нега энди у беш йил қамоқда ётиши керак?

Илтимос, ўғлимга ёрдам беринглар.

Сизларга умид ва ишонч билан

Хайринисо НОРМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти

ТАҲРИРСИЗ МАКТУБЛАР

ТАҲРИРИЯТДАН: **Ёдингизда бўлса, биз газетамизнинг ўтган сонида ҳам "Таҳрирсиз мактуб" рукнида мақола эълон қилган эдик. Ва таъкидлаб ўтган эдикки, бу бир томоннинг фикри. Демак, бу гал ҳам ушбу рукн остида эълон қилинаётган мактубларимизга иккинчи томоннинг аниқ жавобларини кутиб қоламиз.**

Интерпол тарихи

ИНТЕРПОЛ: ҚАЛБАКИ ПУЛЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Газетамизнинг ўтган сонида жиноятчиликка қарши тузилган халқаро Интерпол ташкилоти ҳақида сўз юритган эдик. Бу сонда эса ушбу ташкилотнинг фаолиятидан ҳикоя қилувчи айрим лавҳалардан эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

Ҳар ўн йилда Интерпол Бош котибиятида қалбаки пуллар билан кураш бўйича халқаро конференция чақирилади. 1987 йилнинг июл ойида бўлиб ўтган еттинчи халқаро анжуманда ўтган ўн йил мобайнида 59 та мамлакатда 5620 хил кўринишдаги қалбаки банкнотлар ишлаб чиқаришга тегишли 62774 та жиноий иш кўриб чиқилгани маълум бўлди. Аниқлан

КОРЕЯГА БОРМОҚЧИМИСИЗ, «КЎКИ»ДАН ЧЎЗИНГ!

Чимён бозорининг ёнгинасидаги йўл бўйи ҳар доимгидек гавжум.

Кимдир ишга, бошқаси шаҳарга отланган. Издиҳом орасида беш-олтита йигит қўлтиғида ҳужжатлар тўлдирилган папкаси билан машина кутмоқда.

Улардан бири ишимиз бугун юришиб қолса, ҳаммангни кинога олиб тушардим, деб турган маҳал хорижий русумдаги машина катта тезликда ўтиб қолди. Йўл четидаги одамлар аранг ўзларини четга олишга улгурдилар.

Кекса отахонлардан бири "Секинроқ-да, энағар, бу ерда турганлар сенга чумолимидики, шунчалик тез ҳайдайсан", деб ғудурлайди. Отахоннинг сўзларини бошқалар ҳам маъқуллашди. Фақат папка кўтарган йигитларгина суҳбатлари узилиб, машина орқасидан ҳавас билан қараб қолишди. Яна ўртадаги жимликни кинога олиб тушаман, деган йигит бузди. Кўзлари чақнаган ҳолда, "Ие, ўзимизнинг Вали акамиз-ку, Қовунчи қишлоғилик. Ўтган йили Кореядан келди. Машинасини қаранг, шаҳарда ҳам бунақаси топилмайди. Ҳозир қайсидир фирмада ишлаяпти, уйларини ҳам боплаб юборган. Биз эса бир йилдан буён ҳужжат тайёрлаш билан оворамиз..." — деди.

Ҳа, йигитларнинг ҳасратлари ҳам ўзига яраша экан.

Фарғона вилояти меҳнат бўлими аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси томонидан ёшларни хорижга юбориш учун бир қатор дастурлар қабул қилинганди. Жумладан, Жанубий Корея билан шундай меҳнат шартномалари имзоланганди.

Дастлабки йилларда ёшларнинг меҳнатга лаёқатлилиги ҳар томонлама текширилиб, ишга юборилиб турилди. Шартномага асосан бориб-келганлар ёмон бўлмади. Яхшигина даромадга эга бўлиб қайтишди. Буни кўрган, эшитган бошқа ёшларда ҳам Кореяга бориш истаги кундан-кунга кучайиб борди. Ота-оналарнинг ҳам қизиқиши ортди. Биргина Фарғоа туманидан юзлаб ёшлар Жанубий Кореяга бориш учун ариза билан мурожаат қилишган.

Фарғона тумани меҳнат ва бандлик бўлими бошлиғи Қ.Мукаррамов хонаси ҳужжатлар йиғилган папкалар билан тўлиб кетди. Бу папкалар битмас-туганмас бойлик бўлиб кўринди унга. Ота-оналар келиб, ўғлининг нега Кореяга кетмаётганини сўрагудек бўлишса, тўнини тескари кийиб, "Корея сизларга отамнинг томорқасимиди, қўлидан етаклаб олиб бориб қўйсам? У ер чет эл бўлса, қонун-қоидаси бор", деб бобиллаб берарди.

Тарвузи қўлтиғидан тушган ота Мукаррамовнинг хонасидан оёғини судраб чиқади. Шу пайт иккинчи дардкаш мулойим одам тасодифан учрайди.

— Бир ойдан бери бошлиққа учрайвериб, толиқдим. Бизнинг Жумабой ҳам Кореяга бораман, деб бир йилдан бери ҳиқиллийди. Кўй, десам унамайди. Ўйлаб кўрсам, бошлиққа ҳам қийин, ўзўзидан жўнатиб юборавермайдику! Ўзига яраша хизмат ҳаққи дегандай...

Тушунган оталар бўлса, бу сухбатдан сўнг ишни юргизиб юборади. Хонадаги чанг босиб кетган папкалар тозаланиб, вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси лицензия ва миграция бўйича мутахассиси Элбек Тоҳировга салом берилади.

Элбек ёш бўлишига қарамасдан анча димоғдор, иззатталаб йигит. Саломга алик олмайди. Фақат "кутиб туринг", дейди, холос. Истаганича куттиради.

Элбекни битта саволи бор.. "Оғзи маҳкамми?", "Ие. Ака сизга...". "Бўпти, гап тамом! Тошкентга ҳужжатларни расмийлаштириш учун 200 кўкидан. У ёғи ҳар галгидек. Ҳозир 600 га чиқиб кетди. Агарда Қувасой шаҳридан ҳужжатлар расмийлаштирилса, бироз пасайиши мумкин", деб кўяди.

Элбек Тоҳировни бундай дейиши бежиз эмас. Қувасой шаҳридан Кореяга бориш учун ёшлардан жуда кам миқдорда ариза тушарди. Бошқаларда шубҳа уйғотмаслик учун ҳам ҳужжатлар Қувасойдан расмийлаштирилади. Энди ота-оналар ўғлини Қувасойда ишлаяпти ёки яшаяпти, деган ҳужжат тайёрлашади. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бир таъмагирлик ўрнини иккинчиси эгаллайди.

Нима бўлса ҳам ўғилларини Кореяга жўнатишса бас. Шундай қилиб "Кореяда ишлашнинг нархи" 1300 АҚШ долларига чиқди...

Албатта, бу ишлар шундай қолиб кетмайди. Ҳудуд нозири М.Мўминов Жанубий Кореяга ишга жўнатиш учун 1000 доллар пора олиш-беришда воситачилик қилаётган вақтда қўлга олинди. Фарғона вилоят прокуратурасининг Эркинжон Ғофуров бошчилигидаги тергов гуруҳи Фарғона вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва иштимоий ҳимоялаш бошқармаси фаолиятини чуқур тафтиш қилди. Тафтиш якуни шуни кўрсатдики, идорага ўрнашиб олган айрим нопок шахслар шахсий манфаатларини кўзлаб, таъмагирлик қилиб келишган.

Жиноятчилар-ку, одил суд олдида жавоб бердилар. Қилмишларига яраша жазо олдилар. Лекин улар бу йўлга қандай кириб келганларини ўйлаб кўрдиларми? Биз-чи? Биз — атрофдагилар нега шу пайтгача фақат томошабин бўлиб турдик? Нега уларни бу йўлдан қайтармадик? Нега кўриб-кўрмаганга олдик? Лоқайдлигимиз, бепарволигимиз оқибатида билиб-билмай ўзимиз ҳам мана шу жиноятга шерик бўлиб қолмадикми? Ушбу саволларни ўзимизга бериб кўрсак, ёмон бўлмасди...

Оила — муқаддас

ҚЎШГАНИНГИЗ БИЛАН ҚЎША ҚАРИНГ

Одамзотнинг ҳаётини оиласиз тасаввур этиб бўлмайди. Турмуш чорраҳаларининг турли синовларида, баъзида эса ақлни шошириб қўядиган зиддият ва мураккабликларини енгиб ўтишда ҳар биримиз учун тинч-тотув оиланинг ўрни беқиёс. Шу боис оила — муқаддас даргоҳ, деймиз. Оилани муқаддас билиш, унинг шаъни, қадр-қимматини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш аждодлардан қолган меросдир. Бундан 3 минг йил муқаддам яратилган "Авесто" китобида тасвир этилган оилавий муносабатлар меъёри — эр ва хотин мажбурияти, ота-онанинг бурчи, фарзандлар тарбияси борасидаги қоидалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотмаганлиги, одамлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг умрбоқийлигидан далолатдир. Жумладан, ҳозирги пайтда ҳам никоҳнинг ихтиёрийлик ва ўзаро розилик ҳуқуқи таъминланиши назарда тутилган. Аммо бу ихтиёр оилавий ҳаётда нимадир ёқмай қолса, ажралиб кетавериш мумкин, деган маънони англатмайди. Бундай кўнгилсиз ҳол юзага келмаслиги кўп жиҳатдан қайнона ва қайнотага, келин-куёвнинг мустақил ҳаётга қай даражада тайёрлиги, қолаверса, фарзандлар тарбиясининг нечоғли оқилона олиб борилганига ҳам боғликдир.

— Ҳар бир ажралиш жамиятимизнинг битта зарраси бўлган оилага путур етказишини, бунинг натижасида эр-хотиннинг қариндош-уруғи, акаука, опа-синглиси ҳам маънавий ва моддий озор чекиши мумкинлигини унутмайлик, — дейди М.Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Барно Рўзиева. — Моддий зарар деганда ажралган эрнинг қайта уйланишига, аёлнинг қайта турмушга чиқишига кетадиган маблағ, "омадсиз никоҳ" туфайли "тирик етим" бўлиб қолган болаларнинг моддий таъминоти тушунилади. Ажралишларнинг олдини олиш мақсадида, никоҳни бекор қилишни сўраб келишганда, уларнинг турар-жойидаги маҳаллалар томонидан тегишли далолатнома талаб қилинишини амалиётга киритдик. Шу туфайли кўплаб оилаларнинг сақлаб қолинишига эришаяпмиз. Бу борада ходимларимизнинг маҳаллаларда ўтказилаётган турли қизиқарли тадбирлари ҳам ижобий самара бераётир. Шунга қарамай, турли сабаблар билан ажрашиб кетаётган эр-хотинлар учраб турибди.

Ҳа, никоҳларнинг бекор бўлишига олиб келаётган сабаблар ҳаётнинг ўзидек хилма-хил ва мураккабдир. Ҳаётда ўз бахтини бой берган Ж. исмли ёшгина жувон шундай ҳикоя қилади: "Эндигина 16 ёшга тўлган эдим. Ота-онам, яхши жойдан совчи чиқди, қиз болани жойи чиққанда дарҳол бера қолиш керак, дея турмушга узатишди. Тўғри, мен тузуккина хонадонга келин бўлган эдим. Аммо келин бўлгандан кейин, аввало, уй юмушларини эплаш керак экан. Қизлик пайтимда уй ишларига ўринмаганимдан юмушларни эплай олмай, роса қийналдим. Қайнона-қайнота, эрга қандай муомала қилишни гарчи ойим ва келинойим тўтиқушдай чуғурлашиб, қулоғимга қуйган бўлишса-да, уддалай олмадим. Кўпроқ дугоналарим билан сухбатлашишни ёқтирганим учун телефонни узоқ банд қилиб турардим. Хуллас, таъналар эшита бошладим. Борабора қайнонамга, сўнг унинг таъсирида эримга ёқмай қолдим. Шу орада ёш болалик бўлиб, янада ивирсидим. Ҳеч бир ишни уларнинг кўнглидагидек қила олмасдим. Эрим ҳақоратлайдиган ҳам бўлиб қолди. Бу менга ёқмади. Гап қайтардим. Жанжал чиқди. Йиғлаб, ота-онамникига кетиб қолдим. Қайнонам онамни қоралар, онам эса унга "Мендан қолганини сиз ўргата қолсангиз бўларди-ку, қизимни олганингизда ёшлигини билардингиз-ку..." дея зорланарди.

Хуллас, битта болалик бўлганимизда ажралишдик. Ўйласам, аввало, ота-онамдан, сўнг эса ўзимдан хатолик ўтган экан. Ота-онам ҳали оила қуриб, рўзғор ташвишларини уддалай олмаслигимни билишса-да, ҳа ўрганиб кетар, дея хато қилишган бўлса, мен борган уйимга кўнгил қўймадим, эримга қарашни хаёлимга келтирмадим, қайнота-қайнонанинг кўнглини олайин, деб интилмадим. Оқибат турмушим бузилди. Бироқ бу ўринда қайнонамдан ҳам домонгир бўламан. Ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, деявермай, болам-бўтам қилиб, иш ўргатганларида балки турмушим бузилмасмиди...".

Яна бир ажралишаётган жуфтлик билан сухбатда бўлдик. Ҳар икковининг юз-кўзларига оилавий бахтсизлик туфайли қаттиқ пушаймонлик, маъюслик из солган.

— Икковимиз ака-сингиллардек эдик, ота-оналаримиз қариндош-уруғчиликни янада мустаҳкамлаш ниятида бизни мажбуран, зўрлаб никоҳлашди. Мана, энди табиатдан жазо олаяпмиз. Биринчи ўғлимиз гунгсоқов бўлиб туғилди. Олиб бормаган жойимиз, кўрсатмаган врачимиз қолмади. Даво тополмадик. Туғма касаллик экан. Ўйланавериб, сиқилавериб, иккаламиз ҳам касал бўлдик. Иккинчи боламиз ҳам ногирон туғилгач, ажралишдан бошқа чора йўқлигини тушундик.

Яна бир никоҳ бекор қилинди. Жамиятдаги ногирон болалар сони иккитага ортди. Ажралишган эр ва хотингина эмас, уларнинг яқинлари ҳам бундан руҳий азоб чекдилар. Улар кейинчалик бахтсиз бўлиши муқаррар бўлган никоҳ учун ўзлари илгарироқ йўл қўйган хатоларини тушунишган, аммо энди кеч эди.

Ана шундай афсус-пушаймонлар "Оиланинг бахти тотувликда", "Ўйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ", деган халқ мақолларини ёдга туширади. Ҳақиқатан ҳам оилада хотиржамлиги бўлмаган одам ишга келиб, вазифасини тўлақонли, кўнгилдагидек бажариши мушкул. Шунинг учун ажралишлардан фақатгина икки инсон, уларнинг фарзандлари, яқинларигина эмас, жамият ҳам катта зарар кўради.

Демак, оилани мустаҳкамлаш йўлида барча бирдек саъй-ҳаракат қилиши яхши оқибатларга етаклаши мумкин. Шу мақсадда ҳозир республикамиздаги барча ФҲДЁ бўлимларида никоҳдан ўтаётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, улар билан мутахассислар сухбатини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самараси кутилган натижаларни бермоқда. Маҳаллаларда ибратли хонадонлар вакиллари билан ўтказилаётган учрашувлар, савол-жавоб кечалари кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, ўзаро аҳиллик, фикр алмашув, панд-насиҳат сингари халқимизга азалдан хос бўлган фазилатларни юзага чиқармоқда.

Мустақиллик шарофати билан миллий урф-одатларимизнинг халқимиз онгига чуқур сингиб бораётган қувончли. Мамлакатимиз Президенти оилага, соғлом авлод камолотига катта аҳамият билан қараётгани бежиз эмас. Ўтган йиллар бирбирига вобаста тарзда "Оила", "Аёллар", "Соғлом авлод" ва бу йилимиз "Оналар ва болалар йили" дея ном олди. Шу ўтган даврда оилани мустаҳкамлаш, фарзандларни соғлом, баркамол қилиб тарбиялашда беқиёс ишлар амалга ошқирилди. Аммо хотиржамликка ўрин йўқ. Токи ҳаётимизда ажралишлар, "тирик етим" болалар мавжуд экан, жойлардаги мутасадди ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари, ФҲДЁ бўлимлари зиммасида янада ғайрат билан ишлаш вазифаси турганлигини ҳис этайлик.

Инсоннинг ҳаёти, келажаги кўпроқ оилага, оилавий ҳуқуқ ва муносабатларга боғлиқ экан, бир-биримизнинг турмуш тарзимиз, босиб бораётган йўлимизга бефарқ бўлмайлик. Ҳамюртимиз, маҳалладошимиз, қариндош-уруғимиз тақдири барчамизнинг тақдиримиз, обрў-эътиборимиз эканлигини доимо ёдда тутайлик. Зеро, ўз вақтида айтилган бир оғиз сўз ҳам кўп ёмонликларнинг олдини олиши мумкин. Шундай экан, келинг, аралашиб турган жуфтларни яраштириб қўйиш савобидан бебаҳра қолмай, шу эзгуликка йўл топишга интилайлик.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Турфа олам

ИШҚИБОЗЛИК ҚУРСИН

Россиялик қўшиқчи ва шоир Игор Сорин 6-қаватдаги уйи деразасидан ўзини ташлаб, у дунёга равона бўлди. Қўшиқчининг ихлосмандлари бу йўқотишдан қаттиқ қайғуга тушдилар. Айниқса, ўқувчиқизларга таъсири кучли бўлди, чунки улар учун Игор сажда қилса арзийдиган кимса бўлиб, унинг қўшиқларисиз турмушни тасаввур этишолмасди. "Сенсиз ҳаётнинг кераги йўқ" дея у яшаган Москвада ўқувчи қиз Настя, Херсонда 12 ёшли Наташа, Челябинскда 15 ёшли Наташа Путилова билан 13 ёшли Таня Нечаева худди Игор Сорин каби кўп қаватли бинолардан ўзларини ташлаш йўли билан жонларига қасд қилдилар.

Ўта ишқибозлик ёмон экан. Шоир Сергей Есенин ўз-ўзига суиқасд қилган куннинг эртасига 28 та ўз жонига қасд қилиш воқеаси содир бўлган. Жами бўлиб унинг ишқибозларидан 100 дан ортиқ одам шундай ўлим топган эди.

Гиёҳвандлик — офат

"ШАЙТОНЧА"ГА ТОПШИРИҚ

Осмону фалакдан ерга тушган шайтонлар катта шайтоннинг амри-фармойишига кўра, хилват жойга йиғилишди. Шайтонлар сардорининг тўрдан жой олишди. Ўртанча шайтонлар бир томонга, кичиналари иккинчи томонга ўтиришиб, тезроқ топшириқ олишга шошилишди.

— Биласанлар-а, — дея вазминлик билан гап бошлади шайтонлар сардори, - туппу-тузук одамларни ҳам, содда одамларни ҳам бир зумда йўлидан адаштириб, истаган куйимизга ўйнатишимиз, хоҳлаган кўчамизга олиб киришимиз мумкин. Охир-оқибат "Мени шайтон йўлдан урди", дея афсуснадомат чекадилар. Бу бизнинг ютуғимиз, ҳийламизнинг самараси. Бугун ҳам ғалаба билан қайтасиз, деган умиддаман. Энди кеҳжатой шайтончага ҳам топшириқ бериш вақти келди. Унга қандай топшириқ берсак экан, деб сизларни тўплаган эдим. Нима дейсизлар?

— Одамларни оқ оғуга чорлашда мени "ғолиб" чиқаяпсан, деб мақтаяпсиз. Мен билан юра қолсин, — деди ўртанча шайтонлардан бири.

— Йўқ, йўқ, менга ҳамроҳ бўлақолсин, — деди улардан яна бири. — Гиёҳвандлик кўчасига бошлашда сенга етадигани бўлмаяпти, деган эдингиз устоз, — деди эркалангандек лабларини чўчайтириб.

— Мен аллақачон бу ишга қўл уриб, айрим одамларни ишга солиб қўйганман, ҳадемай катта ютуққа эришаман, — деди шайтонча.

— Йўғ-е, ҳазилингни қўй, — деди шайтонлар сардори, — тажжубдан ёқа ушлаб. Йиғилганлар ҳам ҳайрон қолишди.

— Хўш, ишни нимадан бошладинг, тирранча? — саволга тутди сардор шайтон.

— Шу йилнинг феврал ойлари эди, — дея ҳикоя қила бошлади шайтонча, — уч ойлигимдаёқ сизларга билдирмай, Тошкент вилоятининг Бурчмулла туманидаги Товоқсой қўрғонига бориб, икки йигитчани гиёҳвандлик дардига мубтало қилиб қайтган эдим. Ҳар куни улардан бирров хабар олиб, билмаганларини ўргатиб келаяпман. Ҳадемай ғалаба мен томонда бўлади, — деди қатъий ишонч билан.

— Йўқ... йўқ, мен буни гапига ишонмайман, — деди ўртанча шайтонлардан бири.

— Мен ҳам, — деди катта бир шайтон.

— Хўш, унда нима қиламиз, — деди шайтонлар сардори.

— Мен бирга бораман, мен бирга бораман, — дейишди шайтонлар.

Ниҳоят, катта, ўртанча ва кичик шайтонлардан вакиллар тўпланиб, йўлга равона бўлишди. Кун пешинлардан ошганда Алимбоева кўчасидаги 11-уйга етиб келишди.

— Биласизми, — дея савол аралаш гап бошлади шайтонвачча катта шайтонга қараб, — бу ерда ким яшайди?

— Билмайман, — деди у.

— Мен биламан, — деди эркаланиб шайтонча ва гапида давом этди. — Бу хонадонда ёлланма ишчи деймизми, мардикор деймизми, ишкилиб ўн гулидан бир гули очилмаган инсонларга бериладиган умр ва унинг завқини тотиб улгурмаган ўттиз олти ёшли Ўрмон Ҳасанов яшайди. Энди шу қўрғоннинг Туркистон кўчасидан 102-уйга борамиз, — дея йўл бошлади у ва сўзида давом этди. — Бу хонадонда ҳам тоғни урса талқон қиладиган, забардаст йигит — Ихтиёр Турғунов яшайди. Тақдир тақозоси билан ҳар иккала йигитнинг юлдузини юлдузига тўғрилаб қўйганман. Бир неча ойдирки, улар гиёҳвандликда бир-бирларига ҳамтовоқ. Хуллас, ноғорамга ўйнатиб юрибман. Ҳадемай... Агар розилик билдирсангизлар 21 март куни яна бу уйга келиб, воқеани биргаликда кузатамиз, — деди шайтонвачча.

Улар рози бўлишгач, ўз манзиллари томон йўл олдилар. Орадан кунлар, ҳафталар ўтиб, шайтонлар бўлажак воқеани ўз кўзлари билан кўриш учун Ўрмон Ҳасановнинг хонадонига етиб келишганида, икки дўстнинг қаҳқаҳаси еру самони ларзага солар эди. Фурсатдан фойдаланган шайтонча дам Ихтиёрнинг, дам Ўрмоннинг елкасига миниб, "яна озроқ, яна озроқ" дея қулоғига шивирларди. Ҳамтовоқлар банди бўлган қулдек шайтончанинг фармойишини бажаришга ҳаракат қилишарди. Базми-жамшид авжига чиққандан-чиқиб борарди.

— Дўстим, — дея мурожаат қилди Ўрмон полда узала тушиб ётган Ихтиёрга.

— Нима демоқчисан, гапиравер, мазам қочиб бораяпти, — дея зўр-базўр жавоб қилди Ихтиёр.

— Агар хўп десанг яна оз-оздан қуруғидан урсак дегандим, — деди кўзлари олазарак бўлиб. Бу ҳар иккала дўстнинг сўнгги сўзлари эди.

"Тез ёрдам"машинаси келганида, ҳамтовоқлар турли кўринишларда ағанаб ётишар ва абадиятга кўз юмган эдилар.

Шайтонлар шайтонваччанинг ғалабаси билан табриклашиб, сардорлари ҳузурига йўл олдилар. Шу куни шайтонваччага янги топшириқ берилди.

Шавкат ҲАМИДОВ

БИР ЖИНОЯТ ТАРИХИ

ёхуд Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида яқинда содир бўлган ушбу воқеа кўпчиликни ларзага солди

Эрта тонгда дахшатли туш кўриб уйғонган Муҳаббат, тўшакдан жуда қийналиб турди... (Шахсларнинг исмлари ўзгартириб берилмоқда).

Тушида уни катта бир қора калхат панжасида кўтарганча осмонга учиб чиқиб, сўнгра пастга ташлаб юборган эмиш...

Эринибгина юз-кўлини ювган Муҳаббат ўзини мажбурлаб бўлсада, нонушта қилмоқчи бўлган эди, йўқ, томоғидан ҳатто бир қултум сув ҳам ўтмади. У онасининг "Қизим, чой ичиб олгин, оч қоласан", дея ялиниб-ёлворишига ҳам қарамай, кийина бошлади. Гарчи бугун бозорга боришга оёғи ҳеч тортмаётган бўлса-да, лекин дугонаси Маҳбубага берган ваъдасини ўйлаб, йўлга тушди.

Муҳаббат бугун бозорда дугонаси Маҳбуба билан ўзи савдо қиладиган жойда учрашишлари керак. Бундан бир неча кун илгари икки дугона музқаймоқ еб ўтиришиб, кафеда икки йигит билан танишиб қолишганди. Йигитлар анча шўх, улар ҳар қандай қизни бир учрашувдаёқ ром қилиб олишдан қайтишмасди. Ўша куни бугунги галги учрашув ҳақида келишиб олишганди. Муҳаббат бозорга бора-боргунча хаёли паришон бўлиб борди. Кўз олдида кечаги тунда кўрган дахшатли туши гавдаланар, шу боисдан вужудини титроқ босар, кўзига ҳар хил шарпалар кўриниб, қадам босишга қўймасди.

Муҳаббат манзилига етиб келганда, бозор ичи одамлар билан анча гавжумлаб қолган, ҳамма ўзи учун ҳар ёққа чопар, биров билан бировнинг иши йўқ эди. Ўзи савдо қиладиган жойни артиб тозалагач, Муҳаббат расталар орасидаги каттакон темир сандиғини очиб, ундан ҳар хил товарларини чиқара бошлади.

Тушга яқин соат 11 да келишилганидек, Муҳаббатнинг қаршисида дугонаси Маҳбуба пайдо бўлди. Маҳбуба дугонаси билан сўрашгач, сўнг муддаога кўчди. Ўтган куни танишган икки йигит Эгамназар ва Улуғбек Маҳбубанинг уйига ташриф буюришган бўлиб, барчалари Муҳаббатнинг келишини кутиб туришган экан.

Маҳбуба Муҳаббатга тез бўл, сени ташқарида кутиб тураман, деганча сирли жилмайиб, кўздан ғойиб бўлди. Муҳаббат ўз ёнида савдо қилувчи танишларига, ҳозир келаман деганча дугонаси томонга ўқдай учди. Икки дугона уйига кириб келишганда, дастурхон тўкин-сочин, йигитлар уларни интизор бўлиб кутишарди. Қизлар келгач, шўх мусиқа остида ўйин-кулги авж олди. Бир неча қадаҳлар бўшатилгач, Муҳаббат ўзини бўшагандай сезиб, кўз олди қоронғулашиб кета бошлади. Маҳбуба билан Улуғбек хонада Эгамназар ва Муҳаббатларни ёлғиз қолдиришиб, ўзлари қўшни хонага кириб кетишди...

Муҳаббат ҳушига келганда, Эгамназарнинг қучоғида ўзини кўриб, қичқириб юборди. Қизнинг қаттиқ чинқирганидан қўрқиб уйғонган Эгамназар қафти билан Муҳаббатнинг оғзини ёпмоқчи бўлган эди, қиз унинг қўлини қаттиқ тишлади. Оғриқдан ғазабланган йигит, текучли қўллари билан қизнинг бўйнини бўға бошлади.

Қўшни хонадан кириб келишган Маҳбуба ва Улуғбеклар дахшатли манзаранинг гувоҳи бўлиб, карахт ҳолда қотиб қолишди. Муҳаббат сўлган ғунчадек ерда ётар, Эгамназар эса минерал сув билан унинг юзига сув сочар эди. Улар нима воқеа юз берганлигини билишгач, зудлик билан бу мудҳиш жиноятни яшириш йўлларини излашди. Маслаҳатлашиб, мурдани ҳовлига чиқариб, кўмишга қарор қилишди. Йигитлар чуқур хандак қазиб бўлишгач, қизнинг жасадини кўтариб, чуқур ёнига олиб келишди. Марҳуманинг турли тақинчоқларини тенг бўлиб олишгач, сўнгра жасадни чуқур ичига итариб юборишди. Эгамназар уйда Маҳбуба билан Улуғбекларни ёлғиз қолдириб, ўзи шу яқин атрофда яшовчи опасининг уйига йўл олди.

Эртаси эрталаб опаси Зуҳрага ўзи олиб келган тилла тақинчоқларини сотиб берарсиз, дея топширган Эгамназар пулини олишга бир ҳафтадан сўнг келишини айтиб, хайрлашди.

Муҳаббатнинг бедарак йўқолганлигидан қаттиқ хавотир олишган ота-онаси ўша кечанинг ўзида хабар берган ички ишлар ходимларига ёрдам бера оладиган биргина восита мавжуд эди. У ҳам бўлса қизнинг қимматбаҳо тақинчоқлари. Мабодо жиноят содир этилган бўлса, жиноятчилар у тақинчоқларни албатта сотиб, пул қилишга ҳаракат қилишлари мумкин. Шу боисдан жиноят қидирув ходимлари тумандаги мавжуд заргарларни бу ҳақда огоҳлантириб қўйишди. Муҳаббатнинг тақинчоқлари ҳақида уларга кўрсатма берилди.

Уй ишлари билан бир ҳафтадан бери шаҳарга келолмай юрган Зуҳра укаси берган тақинчоқларни сотиш учун ўн кундан сўнггина бозорга тушди. Тақинчоқларни кўрган заргар, Зуҳранинг тўлиқ манзилини сўраб билгач, қимматбаҳо буюмларни олиб қолди. У жиноят қидирув ходимлари айтган тақинчоқларни айнан шунга ўхшашлигидан бу ҳақда ички ишлар ходимларини хабардор қилишга шошилди.

Муҳаббатнинг онаси — Ҳадича опа заргарнинг қўлида бултур қизининг туғилган кунида унга ўзи совға қилган тақинчоқларни кўриб, уларни дарҳол таниди. Таниди-ю, кўзига ёш олди.

Тезкор гуруҳ аъзолари жиноят чигилини ечишди. Зуҳра орқали унинг укаси Эгамназар, сўнгра бошқалар қўлга олинди. Шундан сўнг бўлган воқеалар ҳам бирикетин ойдинлашди.

Айни кунларда жуда кўпчиликни ларзага солган бу жиноят тарихи мана шулардан иборат.

С.АБДУВОҲИДОВ,
Сурхондарё вилояти

Мовий денгиз қўйнида

Оталар дейдики:

Фарзандларингизга яхшиликни сингдириб ўстиринг, уларга бахтни фақатгина шу фазилат беради.

* * *

Ҳар қандай билим эзгуликка ундаган тақдирдагина қимматлидир.

* * *

Илм намоёндаларига бахиллик қилманг, зеро, илм хазинадирки, ундан қанча фойдалансанг ҳам, бойликдан фарқли ўлароқ барибир кўпайиб бораверади.

* * *

Илм бир чирокдирким, сени роҳат ва фароғатга ҳеч бир заҳматсиз етказади.

* * *

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

* * *

Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки эсҳуши ва касб-ҳунари бўлмаган киши камбағалдир.

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Психолог олимдан сўрашипти:

— Қандай аёллар вафодор бўлади? Қора сочлисими, қўнғир сочлисими, малла сочлисими?

— Сочи оқаргани.

* * *

Йигит ва қиз унаштирилгандан кейин орадан йиллар ўтди. Ниҳоят, бир куни қиз юрак ютиб, йигитдан сўради:

— Оила қуришни ўйласак бўлармиди?

— Фурсат ўтди. Қариб қолдик. Бизга ким ҳам тегарди?

* * *

Иккита қари қиз ғийбат қилаяпти:

— Яқинда ўқидим, бир хотин тўртинчи эрини ҳам алдабди.

— Шунақа-да! — дейди иккинчиси. — Биз биронта эр тополмай сарсонмиз, баъзилар бир нечталаб эрни алдашга улгуради.

* * *

— Турмуш қурганимизга энди бир ҳафта бўлди-ю, сен ҳозирдан бунақа кеч келаяпсан!

— Жонгинам, вақтлироқ келишнинг сира иложи бўлмади. Сен билан нақадар бахтиёрлигимни дўстларимга айтиб бериш учун бир оқшом зўрға кифоя қилди.

* * *

— Айбланувчи, сиз ҳақиқатдан ҳам жабрланувчига помидор отганингизни тан оласизми?

— Ҳа, жаноб судья.

— Унинг бошидаги ғурралар қаёқдан пайдо бўлди?

— Помидорлар банкада эди-да!

* * *

Бир габроволик текин маслаҳат олиш учун дўхтирнинг қабулига келди.

— Дўхтир, шамоллаганда нима қиласиз?

— Аксираман, — деб жавоб берибди габроволик дўхтир ҳам.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2643. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи: Т. ҲАСАНБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Н. ОРТИҚОВ
Компьютер оператори: З.БОЙМИРЗАЕВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.